



ФОКУС

**УСТУВОР
МАҚСАДЛАРГА
ЭРИШИШ**

**СТИВЕН КОВИ
СТИВ ЖОНС**

СТИВЕН КОВИ
СТИВ ЖОНС

ФОКУС

Устувор мақсадларга
эришиш

STEPHEN R. COVEY
STEVE JONES

FOCUS
Achieving
Your Highest Priorities

УЎК: 159.9

КБК: 88

К: 55

Стивен Кови, Стив Жонс

Фокус, устувор мақсадларга эришиш [Матн] / Стивен Кови, Стив Жонс.-Тошкент: «Info Capital Books», 2022.-144 б.

Баъзида инсонлар доимий босим остида ишлайдилар ва ҳатто узоқ муддат талаб этадиган вазифаларни тез бажариб ўзларидан фахрланадилар. Аммо ҳаммасини олдиндан режалаштириб, ҳаётингизни режага солиш маъқулроқ эмасми? Стивен Кови барча юмушларни тўрт гуруҳга бўлишни таклиф қилади: шошилинч ва муҳим; шошилинч ва муҳим эмас; шошилинч лекин муҳим эмас; ва ниҳоят на шошилинч на муҳим бўлган ишлар. Қайси гуруҳдаги ишларга бор сай-ҳаракатингизни кетказган арзийди? Одатда кўпчилик “муҳим ва шошилинч”ни танлайди аммо бу нотўғри танловдир. Фақатгина шундай ишлар билан машғул бўлиш инсонни мунтазам стресс, шошқалоклик ва ҳаётий кучлардан тамом бўлишига олиб келади. Аммо муаллиф билдирган маслаҳатларга қулоқ тутсак, ҳаётимиз батамом ўзгаради. Айниқса, бугунги замонавий менежернинг вақтни аниқ режалаштириш учун техник воситалардан иборат қуроллари етарлича, сиз бу билан албатта кўзланган мақсадга осон эришасиз.

ISBN: 978-9943-8104-9-5

© Стивен Кови, Стив Жонс, 2022 йил

© Info Capital Books, 2022 йил

ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Бу китоб FranklinCovey компаниясининг “Фокус: устувор мақсадларга эришиш” деб номланган семинарининг аудио шакли асосида яратилган.

Ушбу китобни ўқиб-ўрганиб, сиз ўз ҳаётингизни кутилмаган ва ҳайратомуз тарзда ўзгартира оласиз. FranklinCovey компанияси қарорлар қабул қилишга ўргатиш ва маслаҳат бериш соҳаси билан шуғулланади. Биз якка тартибда одамлар ва ташкилотлар билан ишлаймиз ва бу соҳада жаҳонда етакчилардан биримиз. Компаниямизнинг олий мақсади инсонларни ўзгартиришга ундашдир. FranklinCovey ёндашуви ишончли тамойилларга асосланади. Инсонлар унинг ёрдами билан ўзларининг энг ширин орзу-ниятларига эришадилар.

Узоқ йиллар давомида Стивен Кови, мен ва юзлаб тажрибали ўқитувчилар ҳамда тренерлар бутун дунё бўйлаб одамларга ўз шахсий ва профессионал ҳаётни қуриш, мақсадларни тартибга солиш, вақтни ташкиллаштиришни ўргатмоқдамиз.

1983 йили мен FranklinCovey компаниясида иш бошладим. Биз, ўтган вақт мобайнида сиз каби миллионлаб одамларга икки нарсани: биринчидан, улар учун аслида нима муҳим эканини англаб етиш, ик-

кинчидан эса, устувор мақсадни диққат марказида сақлаш ва шунга мувофиқ ҳаракат қилишни ўргатдик.

Ҳаётимда катта роль ўйнаган бир инсон айтганди: “Атрофдагиларга мақсадни тўғри қўйишни ўргат, шунда улар шахсий ишларини ўзлари ҳам ҳал қилиб олаверишади”. Ушбу китоб сизни ёндашуви-миздаги баъзи асосий усуллар билан таништиради. Ишончим комилки: агар сиз уларни англаб, қўллай олсангиз, ҳаётингиз янада мазмунлироқ, тўқисроқ ва қувончлироқ бўлади. Аввалига сиз вақтни бошқариш матрицаси нима ва биз қабул қиладиган қарорлар ҳаётимизга қандай таъсир қилишини тушуна бошлайсиз. Кейин эса ўзингиз учун ҳақиқатан ҳам нима муҳим ва қадрли эканини ажратиб оласиз.

Асосий қадриятларга ойдинлик кириб бўлгач, сиз жорий ва узоқ муддатли режаларни белгилашни бошлайсиз. Бизнинг тизим сизга устувор ниятларингизни ўрни-ўрнига қўйиб, стратегик ва тактик мақсадлар сари интилиш ва уларни рўёбга чиқаришда ёрдам беради.

Китобни диққат билан ўқишингиз сизга бутун жараённи тўлиқ тасаввур қилиш имконини беради. Биродарларим Стивен Кови ва Стив Джонс маслаҳатларига амал қилиб, ноёб иқтидорингизни бор бўйи билан намоён қилишга қодир Шахсга айланасиз. Ҳаётингиз ҳам янада мазмунлироқ, тўлиқроқ ва қувончлироқ бўлади. Китоб сизга ишонч ва хотиржамлик бағишлайди. Биз яратган дастур шунга қодир эканига ишончим комил бўлгани учун сизга қатъий ваъда бера оламан. Тавсияларимиздан фойдаланган

сиз каби миллионлаб инсонлар ҳам айнан шу фикр-далар.

Энди эса дўстим Стивен Кови китобимиз ҳақида сўзлаб беради. Сизларга омад тилайман, Худо ёр бўлсин!

Хайрум Смит

*“Франклинквестовск”¹ органайзери ихтирочиси,
FranklinCovey компанияси асосчиларидан бири,
“Сиз учун энг муҳими” ўқув курси муаллифи*

¹ “Франклинквестовск” коғоз кундаликлари атамаси (Бенджамин Франклин яратган “Франклин”нинг муқобили сифатида шундай аталган), Хайрум Смит асос солган FranklinQuest компанияси номидан олинган. У 1997 йили Covey Leadership Center билан бирлашган ва натижада FranklinCovey компанияси дунёга келган.

СТИВЕН КОВИ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Сизга ўхшаган мижозларимиз хоҳиш-истакларини ўрганиб, бугунги ҳаётнинг талаблари ва босими бор йўғи беш-олти йил олдин дуч келганларимиздан сезиларли даражада фарқ қилишини англадик.

Ҳозир шахсий ҳаёт ва ишни бирлаштириш яқин ўтмишдагига қараганда қийинлашди. Бу масалани ҳал этиш осон бўлмаяпти. Шахсий ҳаётни режалаштириш кўп жиҳатдан дунёдаги ҳодисаларга ва маълум мамлакатдаги иқтисодий ҳолатга боғлиқдир. Ташкилотлар ўз ходимларига компания мақсадларига садоқатни ҳис қилишда ёрдам бериш имконини қидирмоқда. Самарали ишлаш ва шу билан бирга шахсий қувватни тежаб қолиш керак. Шунини билдикки, кўпчилик инсонлар ишда ёки шахсий ҳаётда айнан нимага интилаётганларини, етарлича аниқ тасаввур қила олмаяпти.

Шахсий вақтни ташкил қилишда юқори технологияларни қўллаш тобора муҳим роль ўйнамоқда. Ҳаётимизни режалаштириш, муаммоларни ҳал этиш, учрашувлар уюштириш, қайдлар ва алоқалар учун бизга компьютерлар, органайзерлар, симсиз алоқа кўпгина имкониятларни тақдим қилмоқда. Фаолиятингиз давомида бирдан ортиқ воситалардан бараварига фойдаланиш заруратига дуч келганмисиз? Бу саволга кўпчилик ижобий жавоб беради. Уларнинг барчаси ишлаши учун, маълум билимга эга бўлиш лозим. Баъзида ўйланиб қоламан, ростан ҳам янги технологиялар ҳаётимизни энгиллатмоқдами ёки аксинча, мураккаблаштирмоқда? Бироқ шунга аминманки, технология — бу яхши ёрдамчи, аммо даҳшат-

ли хўжайин.

Китобимиз – кўп ойлик маълумотлар мажмуи, таҳлили ҳамда тадқиқотларнинг хулосасидир. Шунингдек, унда бизнинг мулоҳаза ва кашфиётларимиз мавжуд.

Бугун бизнинг ҳам сизнинг ҳам эҳтиёжларингиз ўзгарди. Биз ҳар бирингиз ва ташкилотларингиз истакларини қондиришни истаймиз. Бизда тамойиллар яхши ўрнатилган. Аминмизки, китобимиз ўзингизнинг бош мақсадларингизга етишда одимлашга ёрдам беради. Одамлар FranklinCovey компанияси вақт ва ҳаётни режалаштиришда муаммолар бўйича мутахассис экани сабаб унинг иш тажрибаси билан танишишни хоҳлашади. Сизга ташкилотчилик масаласида қарор қабул қилиш ва ҳал этиш йўллари қизиқми, биз уларни тақдим қиламиз.

Улар сиз учун чиндан ҳам зарур бўлган нарсаларга диққатни қаратиш, вақтни бошқариш имконини беради ва ҳаётингизни янада яхшилайдди.

ТАЙМ МЕНЕДЖМЕНТ ВОСИТАСИ

Фикримча, тайм-менеджмент²ни қўллашда уч хил ёндашув бор: уларни турли авлодлар сифатида қабул қилиш мумкин. Ҳар бир янги авлод ўзидан аввалгиларига қараб мувофиқлашади, шу орқали фаолиятида юқори самарадорлик ва бошқарувни шакллантиради.

Биринчи авлод воситаси –булар оддий рўйхат ва эслатмалардир. Сиз кечгача белгилаган ишларнинг катта қисмини бажариб уйдлаш умидида ҳар куни уларни ўзингиз билан олиб юрасиз. Бирортасини яқунлабоқ, эслатмадаги битта пунктга чизик тортасиз, улгура олмаганингиз эса эртанги кунга кўчирилади.

Вақтни бошқариш воситаларининг иккинчи авлодига эса календарь ва кундалик дафтар киради. Унга аллақачон режалаштириш ва тайёрланиш қисмлари киритилган. Иккинчи авлод воситаларини қўллаб, сиз одатдагидек тадбирлар ташкиллаштираёсиз, бажаришга ваъда берган ишларингизга яқуний муддатни белгилайёсиз, учрашувларни киритасиз ва ҳоказо.

² Time management – вақтни ташкил қилиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш технологияси. Турли машғулотлар ўртасида вақтни қандай тақсимлаш ва режалаштириш жараёни.

Агар сиз бу каби ишга жиддий ёндашсангиз, маълум бир ахборотни компьютер ёки Тармоқларда белгилаб кўясиз.

Учинчи авлод ёндашуви— бу режалаштириш, мақсадларни тахлаш ва назоратдан иборат. Бунда сиз маълум бир вақтни сиз учун қийматли ва зарур нарсаларни аниқлашга сарфлайсиз ва мақсад кўясиз. Кунлик режа тузиб, турли юмушларнинг кетма-кетлигини аниқлайсиз.

Вақтни бошқариш айниқса воситаларнингучинчи авлод тамойилларига кўра яхши иш. Бироқ, тўртинчи авлод йўналишига ҳам тобора эҳтиёж борлиги ойдинлашди.

Franklin Covey компанияси айнан шу босқич устида ишламоқда. Тўртинчи авлод ёндашуви олдинги учтасининг барча энг кучли жиҳатларини қамраб олган. Вақтни бошқаришнинг эски усуллари камчиликларини бартараф қилдик ва уларни янада ривожлантирдик. Буни уддасидан чиқдик, сабаби ёндашувимиз ҳаёт сифатининг ўзгаришига мўлжалланган.

Буни қандай тушуниш керак? Менимча, ҳаёт сифати бу — бизнинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатимиз ва биз учун чиндан ҳам муҳим нима эканини тушунишдир. Юқори сифатли ҳаёт бу шунчаки зарур юмуш билан банд бўлиш эмас, балки чинданда муҳими билан машғул бўлишдир. Агарки сиз, ўз олдингизга қўйган мақсадга етмоқчи бўлсангиз, вақтни ташкил этишда тўртинчи авлод мисолида ҳаракатланиш лозим.

Вақт муаммоси билан шуғулланиб, биз кўп ин-

сонларни қизиқтирган саволга дуч келдик: “Ха, мен асосий мақсадларим томон йўналмоқчиман, лекин бунни қандай қиламан? Қандай қилиб самаралироқ бўлиш мумкин? Бугун тўғри қарор қабул қилганимни, муҳим натижаларга эришганимни ва аниқ устуворликларга мувофиқ вақтни ташкиллаштирганимни қандай қилиб била олишим мумкин?”.

Ажойиб саволлар. Агар ўзингизга шу каби саволлар бераётган бўлсангиз, демак, бизнинг устувор мақсадларда диққатни жамлаш китобимиз айнан сиз учун. Китобни ўқиш жараёнида сиз мақсадларингизни топиш, уларда диққатни тўплаш ва истакларга ҳаётда эришишингиз мумкин.

Энди эса насрдаги бир шеърга мурожаат қилишни хоҳладим. Муаллифни аниқлай олмадим, бироқ менимча унинг фикрлари жуда тўғри. Шеърнинг номи “Дилемма”³. Унда кўплаб инсонлардан ранжиш ва кўнгил қолиш хусусида сўз боради:

Токи биз учун нима чинданда муҳим эканини билмас эканмиз, барчаси муҳимдек туюлар,

Токи барчаси муҳимдек туюларкан, ҳаммасини бажаришига мажбурмиз,

Ҳамма юкни елкамизга ортиб олганимизни кўрган одамлар бунни бизнинг мажбуриятимиз деб ўйлашгани кулфатимиз,

Бироқ ҳамма ишга бош суқаверсангиз, уларга шунчалар ўралашиб қоласизки, ўзингиз учун чинданда нима муҳим эканини англамоққа вақтингиз қолмас.

³ Инглиз тилида икки мушкул имкониятдан бирини танлашдан бошқа илож йўқлик ҳолати.

Сиз ўзингиз учун нима муҳим ёки муҳим эмаслигини қандай ҳал қиласиз? Дўстим ва ёрдамчим Стив Джонс сизга шошилинич ва муҳим нарсаларнинг фарқини тушунишга кўмаклашади. У вақтни бошқариш матрицаси ҳақида сўзлаб беради. Бу ғоятда ажойиб тузилмадир. Биринчидан, матрица сизга вақтингизнинг асосий қисми нимага кетаётганини кўрсатади. Иккинчидан, нима учун унинг “Самарадорлик ва мувозанат” — № 2 деб номланган асосий квадрант⁴га кирувчи нарсалар учун кўпроқ вақт сарфлаш арзишини яхшироқ тушуна бошлайсиз. Вақтни бошқариш матрицаси билан ишлаш сизга кўп наф келтиради. Атрофдагилар билан муносабатингиз янада конструктив ва уйғун бўлади, ўзингизни яхши ҳис қилишни ва ишлашни бошлайсиз. Бундан ташқари, матрицанинг қолган уч квадрантига тегишли бўлган барчаси билан шуғулланиш имконияти туғилади. Биз ҳаётни шошилинич эмас, балки муҳим нарсаларга бағишлаш керак деб ҳисоблаймиз.

“Самарадорлик пирамидаси” билан ишлаш, бошқача айтганда режалаштириш жараёни семинаримизнинг яна бир асосий мавзуларидан биридир. Геометрик шакллар орасида пирамида энг барқароридир, сабаби унинг вертикал қисми пойдеворга мустаҳкам таянади. Пирамиданинг пастки қаватини “Қадриятларни топиш” дея номладик. Нима учун дейсизми? Ҳа, албатта, ахир айнан қадрли нарсалар бизга нима аҳамиятли эканини кўрсатади. Улар бизнинг ҳиссиётларимиз, танловларимиз ва қарор қабул қилишимизни белгилаб беради. Ҳамма гап қадри-

⁴ Квадрант— ўзаро перпендикуляр чизик билан бўлинадиган бурчакларнинг тўртдан бири.

ятларда. Агар режалаштириш жараёни шахсий қадриятларга йўналган бўлса, мақсадга етган сари сиз ҳақиқий роҳатни ҳис этасиз.

Пирамиданинг кейинги қавати – “Мақсадларни белгилаш”. Қадриятларни аниқлаб олиб, режалаштиришга ўтса бўлади; муайян ҳаракатлар дастурлари учун қадриятлар–асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчи қават “Мақсадларни белгилаш” устида қурилгани туфайли ишлаш осонроқ. “Ҳафтани режалаштириш” деб номлаймиз. Унга бор йўғи 20-30 дақиқа кетади ва бир турдаги юмушлардан иборат бўлади. “Боғда эгат очиш” кабилар билан банд бўлиш орқали мулоқот қилиш ва ўзингиз учун жуда зарур бўлган ишга вақт топасиз.

Тўртинчи қават бу – “Кунни режалаш”. 5-10 дақиқа ичида, яқиндаги ниятларни аниқлаб оласиз, уларни руёбга ошишида тўсқинлик қилувчи ҳар қандай омиллардан халос бўласиз. Албатта, танлов мавжуд имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, асосий мақсадларга диққатни сақлаган ҳолда амалга оширилади.

Нима учун “Самарадорлик пирамидаси” яхши? Унинг ёрдамида сиз диққатни жамлаш ва концентрация жараёнини сифат жиҳатидан янги даражада амалга ошарасиз ва ҳаётингиздаги бош мақсадга эришасиз. Биз ҳар бирингиз учун алоҳида, ўлчамларингизга мос қилиб ўйланган ва тайёрланган шахсий режалаштириш тизимини яратиш қонунийлари ва қабул қилиш йўлларини таклиф қилмоқчимиз.

Бу тизим сизга фойда келтирадимми ёки сизни ўзига бўйсундиради? Хизматкор ё хўжайинингизга

айланадими буни қандай тушуниш мумкин? Келинг, учта мезондан келиб чиқиб гапирамиз: тизим вақтни ташкиллаштиришда интеграцияга эришишда, ҳаракатчанликка ва шахслашишга кўмаклашадими?

Интеграция ўзи нима? Ташкилотчиликда барча элементлар ҳамоҳанг ишлашгани, унда ҳеч қандай ортиқча нарса йўқлиги ва у максимал таъсирли эканлиги кўзда тулади.

Вақтни идора қилишда мобиллик бу режаларингиз доимо сизга ўз вақтида қўл келиши, ҳар қандай пайтда миянгиздаги вазифалар, келгуси юмушлар, қайдлар, алоқаларни саранжомлаб олишни билдиради.

Албатта, бу тизим фойдаланиш учун содда ва қулай, турмуш тарзингиз услубига мос келиши лозим. Акс ҳолда, сиз уни асло қабул қила олмайсиз.

Шу ва бошқа масалалар бўйича тўлиқ маълумот китобда келтирилган.

Ҳозир эса сизни бош мақсадларингизни фокусга олиш тўғрисида сўзлаб берадиган мутахассис Стив Жонс билан таништиришга ижозат бергайсиз.

СТИВ ЖОНС ГАПИРАДИ

Менинг исмим Стив Джонс. FranklinCovey билан анчадан буён — 1988 йилдан бери танишман ва бошида улар билан фақатгина миждоз сифатида муносабатда бўлганман. Ўша пайтда Огайдаги Rubbermaid ташкилоти ўқув дастурлари бошлиғи эдим. FranklinCovey ўтказадиган тайм-менеджмент курсларини эса сўзсиз ёқтириб қолгандим. Дастур

номини эслай олмайман; адашмасам уч қаторли гап эди. Ўзим учун курсни “Шахсий кадриятларга биноан вақтни режалаштириш” дея номладим. Унга шунчаки ошиқ бўлдим ва курсни Rubbermaid да ҳам ўтказишга қарор қилдим ва тегишли сертификатга эга бўлдим. Менда 1988 йили Огайода қолиб, семинарлар ўтказиш имконияти туғилди. Бир вақтнинг ўзида сотувчилик, маҳаллий менежерлик ва қутиларни қадоклаш билан шуғулланардим, ҳаммасини бажаришимга тўғри келарди.

Ўшандан бери қанча шаҳар ва дунё кездим. 8 йил муқаддам Солт-Лейк-Ситига кўчиб ўтдим ва тренерлар жамоасига бошчилик қилдим.

Дастурни тайёрлашда иштирок этиш имконига эришдим ва биз муаллифлар бундан ғоятда ҳаяжондамиз. Сизларга маъқул келишидан умидвормиз.

Яқинда янгиликлар орқали олимлар Ер куррасининг айланиш тезлиги секинлашгани, энди суткада 24 соат эмас, балки 25 соат мавжуд эканини аниқлашганидан хабардор бўлдим. Кунига қўшимча бир соат! Ахир бу зўр-ку. Сизнингча, бундан нимага эришиш мумкин?

Таклифим қуйидагича... Хаёлан ўзингизга яхши таниш бўлмаган ёки ҳатто бегона шерикни тасаввур қилинг. Ўзингиз ҳақингизда маълумот бериб, унга шу ортиқча бир соатни қандай сарфлашни айтиб беринг. Аниқлик киритаман, ортиқча бир соатни уйкуга сарфлаб юбориш мумкин эмас.

Уйкудан бошқа машғулот тўғрисида, пайдо бўлган ортиқча бир соатни нимага бағишлаган бўлардингиз, биродарингизга гапириб беринг. Сухбатдош

топинг, ўзингизни таништиринг, ғояларингиз билан бўлишинг, кейин давом этамиз.

Келинг, нималарни ўйлаб кўрганингиз хусусида гаплашамиз. Қанча одам вақтни ишга беришни айтди (ёки эшитди)? Ҳеч ким? Ажойиб, давом эттирамиз. Қанча одам бир соатни фарзандлари, набиралари, жониворлари билан ўтказишини айтди? ... Жуда яхши. Яна нечтаси турмуш ўртоғи ва яқинларини эслади? Ташвишланманг, бу маълумот уйгача етиб бормади... Кимдир шу бир соатни ўзига бағишлашини айтдимиз? Хўп, неча киши бир соатни камолотга етиш учун сарфлашини айтди – тўрт, беш, олти, етти. Қандай таклиф бердингиз? Куннинг қолган қисмини режалаштириш билан машғул бўлмоқчимисиз?... Ҳа, албатта, бу бироз “муболағали” жавобку, бироқ менга хуш ёқди.

Кўшимча вақтни қандай сарфлашни ўйлаб топдик. Ахир танлаган машғулотиңиз сиз учун ниҳоятда муҳим, шундайми? Ўзимизга “Агар кун бир соатга кўпроқ бўлса, мен мана бундай қилардим” дегандекмиз. Ўзингиздан сўранг: “Қандай қилиб кўпроқ вақтга эга бўлиш мумкин?” ёки “Мен ҳақиқатан ҳам ўзим учун зарур нарсага аҳамият қаратаётганимни қандай биламан? Бугун ҳаётим ва ишим учун фойдали бирор нима қиляпманми?”. Агар бу саволлар олдин ҳам сизни ўйлантирган бўлса, ажабланманг, сиз ёлғиз эмассиз. Ҳаммамиз кўп вақт давомида турли машғулотлар билан банд бўламиз. Шундай бўлса-да, бизга бироз вақт етмай қолади. Одамларни бу туйғуни бошдан кечирганида, улар вақтни бошқариш сабоқларини олишга қарор қилишади. “Семинар учун

таклифнома, марҳамат”; “Олинг, бу тайм-менеджмент бўйича китоб”, унданам зўри, “Мана, барча муаммоларимни ҳал этадиган бир бетлик мақола!”.

Вақтни ташкиллаш масаласида уч асосий нотўғри тушунча мавжуд. Биринчиси, аввало инсонлар уларда вақт ортишига ишонадилар. Улар вазифалар рўйхатини кўз олдиларига келтириб, хаёлга берилишади: “Қачонлардир бу ишларнинг ҳаммасини бажариб, тугатишим шарт.” Қачон? – “Кўпроқ вақт бўлганида”. Сиз ушбу ҳолатларнинг айримларини машқ давомида санаб ўтдингиз.

Кўпчилик “Вақт топсам, мен буни бажараман” деб турли режаларни тузишади. Санаганларимиздан айримлари чиндан ҳам муҳим бўлиб, баъзиларини эса умуман инобатга ҳам олмаймиз. Орангизда ким кўпроқ китоб ўқишни истайди? Нима учун унда ўқимайсиз? Ҳозирланаяпсизми? Қачон? Қачонки бўш вақт тосангиз, шундай эмасми? Китоблар шунчаки жавонда туради, бизни силтамайди, қаватлардан сакраб енгимизни тортиб “Мени ўқи!” дея қичқирмайди. Улар фақатгина уйингизда сақланади. Орангиздан кимдир таълимни давом эттириш ҳақида бош қотирганми? Албатта, лекин ҳозир эмас, пул ва вақт топилганда... Саёҳатлар билан ҳам худди шу ҳолат... Ҳойнаҳой уй юмушлари кетма-кетлиги режасини ҳам тузиб қўйгандирсиз: айтайлик, омборни тартибга келтиришингиз лозимдир.

Бироқ ҳақиқатнинг қаҳри қаттиқ. Одамлар, уларда кўпроқ вақт туғилади деб ўйлашади, аммо реаллик буни инкор этади. Биз ўз ихтиёримизда эга бўлган вақтдан фойдаланамиз холос. Жамиятимизда

бир тамойил борки, у билан муносабатда шоҳ-у гадо мутлақ баробардир. Бу – вақт. У барчага тамомила тенг миқдорда тақсимланган.

Вақтдан тўғри фойдаланишда иккинчи хато: одамлар уни йиғиб, “кейинроқ сарфласа бўлади” дея ҳаёл қилишади. “Буни кейинроқ қиламан, нариги ишни ҳалироқ... ва ҳ. Вақтни тежаб-тергаб, кейинчалик адо этаман.” Лекин ҳар қандай инсонда, унга тақдим этилганчалик фурсат бор ва ҳар куни ундан тўлиқ фойдаланасиз.

Ниҳоят сўнгги учинчи хатолик, тайм-менеджмент яъни вақт бошқаришдадир. Инсонлар вақтни идора қилиш мумкин деб адашадилар. Айримлар бу ҳақида мақолалар, китоблар ёзишади, бошқалар эса тренингга келиб вақтни бошқаришни ўрганмоқчи бўлишади. Бироқ, ҳақиқат шуки, вақтни “бошқариб” бўлмайди. Вақт оқими бизга боғлиқ эмас. Вақт жараёнини тўхтатиш ёки уни чўзиш иложсиз.

Шундай қилиб, реалликдан узоқлашмайлик. Ҳар куни сиз ўзингизда мавжуд вақтни ҳаммасини сарфлайсиз. Вақтнинг юриши ортга қайтмайди... Бироқ сизга ушбу китобни очганингиз учун ташаккур, у вақтни бошқариш курсининг янги қисқартирилган шакли билан таништиради.

Нима бўлса ҳам “Тайм-менеджмент” сўзи оксюморон, яъни қарама қарши маъноли сўзлар бирикмаси кабидир. Айтайлик, биз тез-тез “улкан” ва “филдек келадиган” қисқичбақа таърифини эшитганмиз. Яна бошқа мисоллар келтириш мумкин. “Ҳарбийча фикрлаш”? Бу нарса ҳаёлимга ҳам келмасди, майли, қабул қилинди. Шу иборани қўллаган бир

17

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMID.
TOSHKENT AXBOROT
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
412813
AXBOROT-RESURS MARKAZI

полковникни билардим... Яна нималар?... “Ширин ташвиш”. “Аччиқ қувонч”. “Қўрқинчли даражада гўзал”. Қандай қилиб буларни тасаввурга келтириш мумкин? “Ютиб юборадиган сукунат”. “Қайноқ сувни иситгич”. Аслида сув қайноқ бўлса, нега унда уни иситиш керак? Ростанам кугули-я. Қани давом этамиз. Дарҳақиқат, тайм-менеджмент бу маълум бир фаолият тури эмас, балки унга ажратилган вақт ичида ўз фаолиятингизни тўғри ташкил эта олишдир. Келинг, тайм-менеджмент ҳақида эмас, балки ундан қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида гапирайлик. Асосийси – истакларни аниқлаб олиш. Мен аввало нима иш қилишни ҳал қиламан, кейин эса унга вақт ажратаман. Вақтни оқилона ишлатиш орқали сиз ҳаётингизни турли соҳалар билан уйғунлаштириб муваққиятга эришишингиз мумкин. Энди биз бевосита нималар қилиш мумкинлиги ҳақида гаплашамиз. Баъзи фойдали тамойиллар, усуллар ва воситаларни кўриб чиқамиз.

Умумий ёндашувлар ва мавжуд истиқболлар хусусида гап бораркан, шуни таъкидлаш жоизки, китобни шунчаки ўқиш етарли эмас, олинган билимларни ҳаётда қўллаш мақсадида ўз устида ишлаш муҳимдир. Агар келгуси 3 ҳафта мобайнида китобдан ўрганган усулларни қўлласангиз ва ўз ўрнида уч ҳафталик тажриба ўтказсангиз ваъда бераманки, ҳам шахсий ҳаётингиз, ҳам касбий фаолиятингизда кескин ўсиш бошланганини яққол ҳис қиласиз. Ҳаракатларингиз нафақат ишда, балки турмушингизнинг сиз яхшилашни истаган барча соҳаларига ҳам ижобий таъсир қилади. Кичкина эслатма шуки: барчаси

китобда ўқиганларингизни чиндан кўллагандагина иш беради. Китобни тугатганингизда эса, ички ҳаракатлар сизга нима қилишда ёрдам беради.

Олимлар бизга совға қилган кўшимча бир соатни эслайсизми? Кунига бир соат бу ҳафтада етти соат, ойига 28, ҳатто 31 соат демакдир. Тахминан 40 соатлик ҳафтадан тўққизта. 365 соатни ишлатиш ҳақида бир ўйлаб кўринг-а. Нимагадир эришса бўладими? Лойиҳаларингиз самарадорлиги, уларни режалаштириш ва амалга ошириш сифатига таъсир қиладими? Суткага шу соат кўшилса, янада муваффақиятли ишлайсизми? Албатта!

Лекин уни йўқлиги, сизга маълум, шундай эмасми? Бир кунда ҳали ҳамон 24 соат бор. Қарорлар сифатини яхшилаб, китобда ўқиганларни бажариб, сизда ортиқча бир соат пайдо бўлганини ҳис қиласиз. Оқшомда бугунги ўтган кунингизни хотирлаб, янада роҳатланасиз... “Бажарилган ишлар ҳам профессионал, ҳам шахсий ҳаётимга мос эди. Мен мақсадларим уйғунлигига эришдим.” Ҳар ҳафта, ҳар кун шу ҳиссиётни туйишингиз мумкин. Мен эса унга қандай эришишни кўрсатаман.

Келгуси уч ҳафталик ишлар ҳақиқатдан ҳам омадли келсин. Олдингизга қўйган мақсадга эришасиз ва ишда ҳам, ҳаётда ҳам нақадар барчаси яхши эканини ҳис қиласиз. Ушбу ҳолатни тасвирлаш учун бир нечта сўзлар таклиф қилинг. Келинг яхшиси ёзиб оламиз.

“Фахр”... Ўзига юқори баҳо бериш... Жуда соз... “Яқунланган ишдан хузур”... Кейин эса дам олиш ёқимлими? “Вазият назорат остидалигига амин бў-

лиш”... Ҳайратланиш ҳақида ҳеч ким айтиб ўтмади. “Яхши нарсаси”... Мос келади. Янги воситалар биз учун ишлаганда ҳам шунга ўхшаш нарсани ҳис қиламиз.

Юқорида айтилганларга қайтсак: бунга қандай эришиш мумкин? Китобимиз саҳифаларида мен сизларга фақат ҳақиқатда зарур маълумот билан бўлишаман. Бироқ, муваффақиятга ягона калит – кейинги уч ҳафтада ўзингизни қандай тутишингизга боғлиқ.

Асосий учта масалани муҳокама этишимиз лозим. Биринчиси “Вақтни бошқариш матрицаси”. Бу тасвир бизга вақтимизни нимага кетказаетганимизни яхшироқ тасаввур қилишга кўмак беради. Шу билан бирга, унинг ёрдамида вақтни ОҚИЛОНА бошқариш мумкин. Фикрларимиз йўналишини тушуниш орқали уларнинг амалдаги рўёбини кузатамиз. Бунинг учун яна бир схема билан ишлаймиз. Биз уни “Самардорлик пирамидаси” деб номладик. У тўрт босқичдан иборат. Ҳаммасига бир оздан тўхталиб ўтамиз. Ҳаммасини яхшилаб идрок этмоғингиз лозим. Хатти-ҳаракатларимизни бошқарадиган “Қадриятлар” пирамида пойдеворидаги асосий босқичдир. Сўнг ўз олдимизга қўйган “Мақсадлар” ва “Ҳафтани режалаштириш” туради. Энг юқори даражага – “Кунни режалаштириш” қўйилган. Биз биринчи навбатда айнан шу масалалар билан шуғулланамиз.

Режалаштириш тизими ва турли ёрдамчи воситалардан фойдаланиш ҳақида гапирамиз. Қандай қилиб қоғозларга эслатмалар ёзишни ҳам кўрсатаман. Outlook Express компютер дастури ва чўнтак

компютер афзалликларини муҳокама қиламиз. Бир вақтнинг ўзида турли хил режалаштириш воситалари билан ишлашни тушуниш жуда муҳим. Вақтнинг бошқариш воситаларининг ягона тизими сифатида, органайзер, чўнтак компютери ва баъзи компютер дастурлари ҳақида сўз боради. Ҳар бири билан алоҳида фойдаланиш эмас, уларнинг интеграциялашуви, қўллашда ҳамоҳангликка эришиш керак. Дуч келган воситани синамай, умумийликда уларни қандай татбиқ қилишни ҳис қилинг.

Кейинги масала – қабул қилаётган маълумотларинигиз билан ишлаш. Мен электрон почта билан қандай ишлайман? Бу ёзув тури яқин орада ҳам муаммоли ҳолатда эди. Ҳозир эса у асосий коммуникация воситаларидан бири... Овозли хабар ҳақида гаплашамиз.

Яна иккита муаммо бор: у ҳам бўлса ишларимиздан чалғиш ёки уни бошқа муддатга суриш. Аввалдан аниқлаштирилмаган суҳбатлар бизни ранжитади. Баъзида ўзимиз ҳам ишларимизни ҳатто бир кун кейинга бўлса ҳам кечиктирамиз. Самарадорликнинг сифат ва миқдорда ўсиши ҳақида ҳам суҳбатлашамиз. Фикрлаш услуби устида ишлаб, вақтни бошқариш муносабатларида биринчи навбатда ўзининг кўрсатмаларига диққатни жамлаш лозим.

ВАҚТНИ БОШҚАРИШ МАТРИЦАСИ

Демак, асосий мавзуга қайтамиз. Аввало — икки тушунчага ойдинлик киритамиз. “муҳим” дегани нима ва “шошилинч” дегани нима? Албатта, бирини иккинчисидан фарқлаш жоиз. “Муҳим” — бу аҳамияти катта, жиддий оқибатларга олиб келадиган нарса, яъни унинг моҳияти салмоқли, масъулиятли ва кераклидир. “Шошилинч” — асосан бизга босим ўтказадиган ва бизни ҳолат юзасидан зудлик билан чора кўришга ундайдиган ишлардир. Яъни муҳим ишларга чиндан ҳам бажарилиши лозим бўлганлар, шошилинчга эса фақат шундай кўринадиган ишлар киради.

Муҳим ва шошилинч нарсаларни ажратишга уриниб кўрамиз. Келинг, вақтни бошқариш матрица⁵си жадвалига назар соламиз (қисқартириш учун энди уни вақт матрицаси деб атайман). Бу схема биз қандай қилиб қарор қабул қилишимизни тушунишга ёрдам беради. Кўриб турганингиздек инсон фаолияти борича тўрт қисм ёки квадрант⁶га ажратилади:

⁵ Матрица – андоза, қолип сифатида унинг ёрдамида топшириқларни бажариш тартиби аниқлаш мумкин.

⁶ Квадрант математикада доиранинг тўртдан бир бўлаги

“Шошилинч ишлар”, “Шошилинч эмас”, “Муҳим ишлар”, “Муҳим эмас”. (1 расм)

	Шошилинч	Шошилинч эмас
Муҳим	I Квадрант «Зарурат»	II Квадрант «Самарадорлик ва мувозанат»
Номуҳим	III Квадрант «Умидсизлик»	VI Квадрант «Исроф ва ортикча сарф»

Расм. 1. Вақтни бошқариш матричасини ташкил қилган тўртта квадрант

“Шошилинч” ва “муҳим” ҳолатларни ўз ичига олган юқоридан чапдаги квадрантга эътибор қаратинг. Улар маълум бир оқибатларга олиб келади ва шунинг учун биз уларни тезроқ бажариш лозимлигини ҳис қиламиз. Ўз ҳаётингиздан мисол келтиришга уриниб кўринг: Нима сиз учун бир вақтнинг ўзида ҳам кечиктириб бўлмас ва зарур бўлиши мумкин? Тўғри: нам тагликни алмаштириш... Яна нима? Масалан, телефонингиз жиринглади. Сизга у қанчалик аҳамиятли қўнғироқ экани маълум эмас, бироқ сиз зудлик билан жавоб берасиз. Бизга бу қўнғироқ қанчалик эътиборли эканини токи... унга жавоб бермагунча

билолмаймиз. Дикқат қилинг, бу суҳбат юқоридаги квадрантларнинг тўрттадан бирига мос келиши мумкин: Ҳаммаси вазиятга боғлиқ... Яна нима қолди? Ҳа, ҳисоботларни тайёрлаш, айниқса сизга телефон қилиб “Мерлин, керакли ҳужжатларни беш дақиқадан сўнг олиб кириг” деб қолган пайт. Ким сиздан бунақасини талаб қилади, билмадим лекин ўзингиз шу ишни қилмайсиз деган умиддаман... Дуруст... Яна ҳаётингиз ёки ишдан бир нечта мисолларни санасак. Техника борасида қандай фикрдасиз? Ҳа деганда бузиладиган компьютерларга нима дейсиз... Бу ҳолат ҳам муҳим ва шошилишчидир.

Шундай қилиб, №1 квадрантга муҳим ва шошилишч бўлган ўз мисолларимизни ёзамиз. Уни “Зарурат” деб номлаймиз. Баъзилар бундай ишларни “ёмон” деб ҳисоблайди ва янглишади. Бироқ улар “ёмон” иш эмас, бу шунчаки ҳаёт.

№1 квадрант остида №3 квадрант жойлашган. Бу ерга шошилишч ишлар киритилади, лекин уларни ўз навбатида муҳим деб бўлмайди. Фақат бизга уларни зудлик билан тугаллаш зарурдек туюлади. Бу ишларни №1 квадрант ичидагилар билан солиштириг. Уларнинг иккаласини ҳам бирдек аҳамиятли дейиш мумкинми? Агар рўйхатдан №3 квадрантдаги ишлар туширилса, кун давомида сиз билан нималар содир бўлади? Ҳа, мажлислар... Унга қанча вақт кетишини билмайсиз ва “Ё Худойим, бу ерда нима қилиб ўтирибман?” дея ўзингизни сўроқ қила бошлайсиз. Яна нима қолди? Ҳа-я, бошлиқларнинг оғиз кўпиртириб сизга алоқаси бўлмаган вазифаларни талаб қилади.

№3 квадрантни “Умидсизлик” дея атаймиз. Нима

учун? Чунки сиз баъзи ишларни кечиктириб бўлмас деб ҳисоблайсиз, аслида ўша пайтда сизга бу ҳолат шундай туюлади холос.

Энди – пастда ўнг тарафдаги №4 квадрантига эътибор қаратинг. “Шошилинч” ҳам “муҳим” ҳам бўлмаган машғулотлар мавжуд. На у, на бошқа категорияга кирмайдиган қандай ишлар бор деб ўйлайсиз? Ҳўш? Телевизорми? Севимли кўрсатувни кўриш учун ярим соат вақт ажратмоқчи бўласизу, уч соат телевизор қаршисига миҳланасиз... Яна мисоллар... Компьютер ўйинлари... Ҳа. Бирор нарса қидириш мақсадида соатлаб Интернетда тентираш. Биласизми қачон интернет дўконларнинг савдоси ошади? Айнан иш вақтида. Шунақа гаплар. Бу борада ҳам статистик маълумотлар топилади. Келинг, №4 квадрант “Исроф ва ортиқча сарф” ҳақида гаплашамиз. Бундай вақт ўтказиш ҳам бизни мақсаддан адаштиради, шунинг учун айнан бу масалани эслатамиз.

Юқорида ўнгдаги №2 квадрант қолди. Унга “муҳим” лекин “шошилинч” бўлмаган ишлар тааллуқлидир. Намуна келтириб ўтинг. “Оилага вақт ажратиш” бунда шошилинчлик йўқ, лекин бу ниҳоятда муҳимдир. Яна-чи? Режалаштириш, ўзингиз учун дастурлар тузиб олиш... Ёдингизда бўлган, лекин уларни “Зарурат” квадрантига ўтказмагунча бажармайдиган ишларингиздир. №2 квадрантни биз “Самарадорлик ва мувозанат” деб номлаймиз.

СТИВЕН КОВИ ГАПИРАДИ

Вақт матрицаси ҳақида икки оғиз фикр билдиришга ижозат бергайсиз. Шуни билдимки, у мен ҳаётимда учратган мулоҳазаларни жамлашнинг энг ажойиб воситаси экан. Сиз ҳам у билан ишлаб, шуни ҳис қиласиз.

Аслида, бор йўғи қилишингиз керак бўлган иш “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини айта олиш эканини тушуна бошлайсиз. Асосийси, ҳамиша тартибли бўлинг. Ақлингиз ва қалбингизга яқин, сиз учун ростан ҳам зарур бўлган ишга бажонидил рози бўлинг. Шу билан бирга ҳеч қандай айбдорлик ҳиссисиз, ортиқча куч сарфламай “йўқ” дейишни ўрганинг. Бўшашмай, ўзгача усул ва табассум билан “йўқ” деб айтинг. Асл мақсадларига диққатни жамлай олмайдиган ва ҳатто уларга нима керак эканини ҳали билмайдиган инсонлар керак бўлганда “ҳа” дея айта олади лекин мамнуният, кулги ва айбдорликсиз осон тарзда “йўқ” дейишни билмайдилар. Энг афзал уйғунлик – бу муҳим вазифаларга “ҳа”, шошилинч бўлса-да бош мақсадларизга алоқасиз юмушларга “йўқ” дейишдир.

Муваффақият сари интилиб, чўққига етганда бошқа тоғга тирмашиб, вақтингиз зое кетганини англаган вақтларингиз бўлганми? Бунақаси тез-тез бўлиб туради. Ҳаётнинг босим ўтказиши, атрофдагилар сиздан нимадир кутиши одатга айланмоқда. Буларнинг барчаси йўлимизни девор каби тўсиб, ундан фақат ошиб ўтиш лозимлигини англаймиз. Шундай бўлса-да, “Бизга бу чиндан ҳам керакми?” деб ўзимизни савол бермаймиз. Юқорига чиққанда биз тамомила бошқа жойда эканимизни кўрамиз... Буни

бошдан кечириш мушкул... Охир-оқибат нимага эришишимни ўйламай жуда кўп куч ва энэргияни сарфлаган эдим.

Агар сиз ҳақиқатда ўзингиз учун муҳим нарса-ни аниқлай олсангиз, устувор йўналишда диққат-ни жамласангиз, мақсадларингизга тез ва самарали етасиз. Сизга кераксиз бўлган баландликларга етиш учун қимдир қўядиган кўп сонли зинапоярларга эътибор ҳам бермай қўясиз. Нима сизни чиндан ҳам чеклаётганини вақт матрицаси ёрдамида кўрасиз; у орқали эҳтимолий тузоқларни фош қиласиз. Муҳими – ишни бошлашдир. Билимга эга бўлиб туриб ҳеч нима қилмаслик- бу билмасликдир. Мунтазам матрица билан шуғулланиб бу ҳақида билиб оласиз. Уни ёқтириб қоласиз ва доимий ундан фойдаланасиз, у ҳақида яқинларингизга маълум қиласиз. Жамоангизда барча, керакли нарсаларда фикрини тўплаб, шошилинич ва аҳамиятсиз масалалардан узоқлаша олади. Вазифалар қанчалик жозибадор ва долзарб туюлиб, ўзингизни сиқув остида сезишингиз ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

ИШГА КИРИШАМИЗ

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Биз тўрт гуруҳга бўлинамиз ва ҳар бир жамоа вақт матричасидаги бир қисм билан ишлайди. Айтайлик, “Зарурат” квадрантида ишляпсиз, вақтингизнинг кўп қисмини бундай ишлар билан ўтказгандек тасаввур қилинг. Мулоҳаза қилинг ва иккита рўйхат тузинг. Агар асосан шошилиш ва муҳим ишларга вақт кетказсангиз, қандай ҳислар сизни қамраб олади? Иккинчи рўйхатга эса улар қандай натижага олиб келишини ёзинг. Қилмишларингиз қандай давомли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин?

Машғулотнинг навбатдаги қисмига ўтамиз. Ҳар бир қаршимизда гуруҳ сўзга чиқиб ўзининг рўйхати билан таништиради. №1 квадрантни эгаллаган “Зарурат” номли гуруҳдан бошлаймиз. Сўнгра учинчи ва тўртинчи гуруҳлар “Умидсизлик” ҳамда “Исроф ва ортиқча сарф” билдиради. Иккинчи гуруҳни эса биз десерт сифатида охирига колдирамиз. Улар “Самарадорлик ва мувозанат” квадрантини муҳокама қиладилар.

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ СЎЗЛАЙДИ

Демак, фақат “Муҳим” бўлимга тааллуқли (№1 квадрант) вазифаларни бажарсак, ранжиш, рухий зарба, нафрат, тушкунлик, қаҳр, умидсизлик, алам, шахсий бефойдалик каби ҳисларини бошдан кечирамиз. Давомли оқибатлар эса қуйидагича: “сарик уй”⁷, заифлик, номукамаллик, соғлик билан боғлиқ муаммолар – тана ва руҳда тушкунлик, ваҳима. Ўртамиёна одамга айланиб, бошқалар билан алоқани йўқотасиз. Бировнинг ҳис-туйғулари ҳақида бош қотиришга вақтингиз бўлмайди. Ижодий имкониятлар, ҳаракат йўналишини йўқотасиз ва яққаланиб қоласиз. Буларнинг бари “Зарурат” квадрантига тааллуқлидир.

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Ана холос, унчалик ёқимли эмас, тўғрими? Ҳаётимизнинг анчагина ҳатто жуда сезиларли қисми №1 квадрантига тегишли эканини эслатиб ўтиш жоиз. Бу нималарга олиб келади ва бунга бизнинг муносабатимиз қандай? Аммо барибир, бир ўйлаб кўринг-а? №1 квадрантидаги жуда шошилиш ва муҳим ишни бажармоқдасиз, бу ҳақида нима фикрдасиз? Ижобий ҳисларда бўлсангиз керак. Агар бу ишингизга боғлиқ бўлса ва сиз керакли ишни удалаган бўлсангиз, ўзингизни ажойиб ҳис қиласиз. Албатта бажарган вазифаларингизнинг бир қисми учун сизга пул тўланади. Орангизда мижозлар билан

⁷ Сарик уй – ибора, руҳий касалхона, жиннихона.

мулоқотда бўладиганлар борми? Айтайлик, кўнги-роқлар қабул қиладиганлар? Ҳа, сиз №1 квадрантида кўп вақт сарфлайсиз. Бу ишингизнинг асл моҳиятидир. Бироқ, агар инсон ўз ихтиёрисиз у ерда бўлса, юқоридаги иштирокчи таъкидлаб ўтган оқибатларга рўбарў келиши мумкин, бу эса албатта ёқимсиздир. Келгусида иккала ҳолат ҳақида ҳам муҳокама қиламиз.

Энди №3 квадрантидаги “Умидсизлик” борасида суҳбатлашсак. Бу вазиятга боғлиқ ҳиссиётларини ва эҳтимолий натижаларни ким ошкор этади. Джордан, марҳамат!

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ ДЖОРДАН СЎЗЛАЙДИ

Биз №3 квадрант билан ишладик. Унга шошилинч лекин муҳим бўлмаган ишлар тааллуқлидир. Қандай ҳислар бизни чулғаб олганди? Аввало, кўнгили қолиш, стресс, саросима, хато фикрлар... Бизни №3 квадрантга итариб киргизмоқчи бўлган одамлар билан бир жамоада бўлдик. Ҳаттоки, ўша инсоннинг телефон кўнгироғига жавоб беришни истамаган пайтлар ҳам бўлган, сабаби бунинг охири нима билан туғашини билардик. Оқибатда нима ҳам бўларди. Сиз ўзингизни масалдаги қаҳрамондек тутасиз. Дастлаб у зериккандан “Бўри, бўрилардан кутқаринг” деб додлади, лекин унга ҳақиқий бўрилар тўдаси хужум қилганида, унга ҳеч ким ёрдамга келмади. Бундай жанг олиб бориш усули самарадорликка салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Бирор муҳим воқеа рўй

беришига қарамай, сиз аввалги тажрибани ўйлаб, бу ишга қайта қўл урмайсиз.

№3 квадрантдаги яна бир кутилиши мумкин бўлган натижа – қониқарсизлик ҳисси. Агар сиз учун муҳим бўлмаган вазифа билан доимий равишда шуғуллансангиз, ишингизга яхши муносабатда бўла олмайсиз. Натижада соғлиғингиз ёмонлашади ва кераксиз руҳий зарбаларга йўлиқасиз... Ёдингизда бўлса, диққатсизлик оқибатлари борасида сиз билан гаплашган эдик. Аслида, керакли ишдан чалғиб, бўлмағур нарса билан машғул бўлиш ва яна ишга қайтиш осон эмас.

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Баракалла, Джордан. Миннатдорман. Аҳамият берган бўлсангиз, учинчи квадрант чақирган туйғулар биринчи квадрантнинг кечинмаларини эслатади. “Зарурат” квадранти “Умидсизлик”ка ўхшамокда. Нима учун бундай бўлди деб ўйлайсиз? Шубҳасиз, биринчи ва учинчи квадрантдаги юмушлар шошилиш ишлар тоифасига киради. Агар узоқ муддат бирор шошилиш иш билан банд бўлсак, бу ўхшаш ҳиссиётларни чақиради. Фарқи шундаки, учинчи квадрантдаги вазифаларнинг натижаси сизга умуман аҳамиятсиздир. Уни қандай номлаганимиз ёдингиздами? Ҳа, “Умидсизлик”. Маккор нарса десак муболаға бўлмайди. Ҳеч қандай давомли натижалар бўлмайди, оқибатлар эса мазмунсиз. Одатда бундай ишларни бировлар учун қилиб берамиз. Оддий вазият эмас... Бироқ бошқа инсон учун нимадир қилиш

ўша инсоннинг аҳамиятли эканини англатади. Бундай муносабатларимиз мавжудлиги сабаб биз ижобий туйғуларни ҳис қиламиз. Мен бу ишни “кимдир учун” қиляпман.

Тез орада бизни диққатимизни чалғитувчи ишлар борасида сўз юритамиз, лекин бу айнан юқоридаги ҳолат эмас. Энг муҳими — муносабатларни бизга маъқул даражада сақлаб туриш. Баъзида, бизга илтимос билан мурожаат қилган одамлар туфайли №3 квадрант кўрсатган вазифаларни бажаришга тўғри келади.

Яхши. №4 квадрант билан ишлаган жамоа кимлар эди?

СЕМИНАРНИНГ ЯНА БИР ИШТИРОКЧИСИ ГАПИРАДИ

Жамоамиз “Исроф ва ортиқча сарф” квадранти билан ишлади. Эҳтимол, бу турдаги юмушлар билан банд бўлиб, ўзингизни бахтсиз, тушкун ва фойдасиз ҳис қиласиз ҳамда, зерикиш, ачиниш, дангасалик, ёлғизликни бошдан кечирасиз. Ўз ўрнида буларнинг бари ичкиликбозга, эришилмаган натижаларга, но-мукамаллик ҳисси, муваффақиятсизлик, яккалик, камбағаллик ва мамнуният келтирмайдиган муносабатлар қурилишига олиб келади.

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Менимча суиқасдни ҳам таъкидлашни унутдингиз... Майли... Айтингчи, тўртинчи квадрантга ёзган-

ларингиз қачон содир бўлади? Бу каби ҳолатга тушганингизни қачон билиб қоласиз? Мен жавоб бера қоламан: сиз ҳаддан ортиқ вақтингизни биринчи “Заруратлар” ёки учинчи “Умидсизлик” квадрантига ва ёки иккисига ҳам сарфласангиз, бу ҳол рўй беради. Сизга шундай ибора танишми “Бугун окшом худди кўкатдек яшайман, менимча ёмон эмас.”, сизларни билмадим лекин биз бу гапни даврада ишлатамиз. Бу туриш-турмушида ҳеч нима ўзгаришини ҳохламайдиган, лоқайд бўлиб яшаш демакдир. Такрорлайман: Агар “Исроф ва ортиқча сарф” дея номланган тўртинчи квадрантга тегишли машғулотларга назар солсангиз, улардан айримлари чиндан иш беришига амин бўласиз. Шунчаки, уларни кўпайтириб ташлаш ярамайди. Дейлик, телевизор томоша қилиш яхши, бироқ “ётволиб” эмас. Интернет ковлаш, харидлар қилиш, ўйин кулгу буларнинг бари ажойиб аммо кичик танаффус бўлса зарар қилмайди. Нима учун айрим ҳолларда ўйинлардан бош кўтариб бўлмайди? Нимани назарда тутаётганимни аллақачон тушундингиз, менимча.

Иккинчи квадрантга навбатни берсак. Ким сўзга чиқади? Балки сиз Джейн?

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИСИ ДЖЕЙН ГАПИРАДИ

Очиғини айтганда, биз яхши бўлимда ишладик. Келишиб олишда деярли қийинчиликка учрамадик. Демак, рўйхатимиз қуйидагича: ёқимли илиқлик ва мукамаллик ҳисси, ўзликни англаш, назорат, енгил-

лик, ўзига ишонч, ташаббускорлик хислатлари, қувонч, табассум, стресслардан ҳоли бўлиш.

Иккинчидан, барчасининг натижаси бу бошқаларга ёрдам беришдадир. Биз истаганларимизни бажарганимиз учун атрофга боқиб ўзимизни бахтли ҳис қила оламиз. Бизнинг эътиборимиз ташқи оламга қаратилди. Биз тартибли, соғломмиз ва муваффақиятга эришамиз. Одамлар билан муносабатларимиз яхшиланади, ўзимизга ишончимиз ортади, биз намунали раҳбарга айланамиз. Ўзингизни яхши ҳис этганингизда, барчаси худди сизнинг измингиздадек туюлади ва ҳатто кўринишингиз ҳам гўзаллашади. Иккинчи квадрант оқибатлари ва туйғулари ҳақида холис фикримиз шулардан иборат.

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Жуда соз... Буни қаранг-а: кўриниш гўзаллашади ва ўзига ишонч ортади. Демак, бизнинг тўртта квадрантимизнинг учтаси “Зарурат”, “Умидсизлик”, “Исроф” бизга таъсир кўрсатади, иккинчиси эса (яъни бу муҳим лекин шошилиш эмас) бу ўзимиз бажарадиган вазифалардир. Бошқача айтганда, биз назорат қиладиган масалалардир. Лекин, иккинчи квадрантга келиш учун айрим нарсаларни қўллаш лозим. Энг қизиқ тарафи ҳам шу. Туйғулар кетма кетлигига бир қаранг...

Ёдингиздами, илк уч ҳафтада ўзингизни яхши ҳис қилсангиз, нима бўлади? Ўхшашлик борлигини кўрдингизми? Сиз сокинлик, фахр, ўзига бўлган ҳурмат, комиллик, назорат ва енгилликни бошдан кечир-

ганингизни айтган эдингиз. Бироқ иккинчи чоракда тайинланган вазифалар билан боғлиқ ҳис-туйғулар: мукамаллик, ёқимли илиқлик, тартиб, завқ ва стресслардан озод бўлиш, ташаббускорлик, бахт ва табассум. Иккинчи квадрант ва юқорида муҳокама этилган масалаларда сезиларли ўхшашлик мавжуд. Алоқалар ниҳоятда яқин.

Айтинг-чи, қайси квадрантга кўпроқ вақт сарфлаган маъқул? Шубҳасиз, иккинчи “Самарадорлик ва мувозанат” ни, яъни муҳим бироқ шошилинич бўлмаган ишларни танлайсиз. Ўз навбатида муҳим ва шошилинич ишларни жамлаган биринчи квадрантни ҳам ёдда тутиш лозим. Иккинчи квадрант учун қўшимча вақтни қандай топса бўлади? Албатта, “Умидсизлик” ва “Исроф” бўлимларидан вақт тежаш мумкин.

Вақт матричасини ўз тажрибангизда синаб кўринг. Асосан муҳим ва шошилинич бўлмаган ишлар билан шуғулланишни назарда тутаяпман. “Исроф ва ортиқча сарф”га қанча кам вақт кетказсангиз, шунча кўп “Самарадорлик ва мувозанат” квадранти билан ишлай оласиз. Биласизми, вақт етмаяпти деган гап бу шунчаки баҳона холос. Муҳими – уни қаерга сарфлашни билишда. Агар ҳаётингизнинг 25%ини “Исроф”га ёки “Умидсизлик”ка бой бериб, фақатгина шошилинич ва нозарур ишларни уддаласангиз, сизда вақт танқислиги юзага келаверади. Учинчи ва тўртинчи (муҳим бўлмаган ишлар) бўлим – аслида иккинчи квадрант шошилинич бўлмаган аҳамиятли вазифалар учун вақт ресурси бўлиб хизмат қилади. Айнан унга диққатингизни тўпланг, шундагина бу бошқаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Мулоҳа-

за қилинг.

Иккинчи квадрантга сарфланган вақт биринчи муҳим ва шошилич ишлардан иборат квадрант-ни тартибга келтиришга ёрдам беради. Агар доимо қизиқарли ишлардан воз кечиб фақат мажбурий ва ёқимсиз вазифалар билан шуғулланаверса, биринчи квадрант юмушлари қисқаргандек туюлиши мумкин. Шундай бўлса-да, “Зарурий” ишлар ҳамisha топилиб туради. Муҳим ва шошилич вазифаларни бажарар экансиз, биз ўз ишимизни адо этасиз, масалан миждозларга хизмат кўрсатасиз.

Баъзи одамлар учун бундай ҳолатларнинг сони ҳар доим барча квадрантларда уларнинг сонидан ошиб кетади. Бу касбий фаолият ва уй юмушларига бирдек тегишли. Аммо шахсан биз учун муҳим бўлган иккинчи квадрантга кўпроқ эътибор қаратиш орқали биз ўзимизга “зарур” нарсаларнинг биринчи квадрантини яхшироқ ташкил этишга ёрдам беремиз. Биз шунчаки ўз устуворликларимиз билан боғлиқ ҳолда муҳим ва шошилич нарсаларни кўриб чиқа бошлаймиз. Шахсий аҳамиятли ишларингизга диққатни жамлаш сизни “Умидсизлик”ка тушмай, муҳим бўлмаган лекин шошилич туюлган ишларга иложи борича камроқ вақт сарфлашни ўргатади. Биз бутунлай бу ишлардан воз кечиш ниятида эмасмиз. Шунчаки уларга бироз камроқ вақт бағишлашни мақсад қилганмиз.

Бундан ташқари, муҳим аммо шошилич бўлмаган нарсаларга эътибор қаратиш бизга “Исроф ва ортиқча сарф”га қарши туришга ёрдам беради.

САМАРАДОРЛИК ПИРАМИДАСИ

СТИВ ДЖОНС СЎЗЛАЙДИ

Демак менинг бош таклифим – шахсий мақсадларингизга кўпроқ вақт сарфланг. Уни қаердан топиш мумкин деган савол туғилади? Албатта, муҳим ва шошилинч бўлмаган ва ҳатто шошилинч ишлардан вақтни асраб. Семинаримиз иштирокчиси Эннет айтганидек, мадомики улар менинг вақтимни ўғирлаяптими, мен уларни бошқараман. Иккинчи квадрантда бўлиш учун, ҳаётда ниманидир ўзгартиришга тўғри келади.

Бу мақсадга етиш учун фикрлашингиз ва фаолиятингизни қандай қилиб ташкиллаштириш лозим? Семинаримизнинг навбатдаги қисми айнан шу муаммога қаратилган. “Самарадорлик пирамидаси” деб номлаган схемамизга назар солинг.

Пирамидалар деганда қандай тушунчага эгасиз? Молиявий пирамидалар эмас бошқаларни? Албатта, Мисрда ҳам пирамидалар борлигини биламиз. Дарҳақиқат, улар кўҳна ва у ерда мустаҳкам жойлашган. Римликлар дунёни, айтайлик Ўрта Ерни босиб олган пайтидаёқ пирамидалар қадимий эди. Улар-

нинг ёши улуғ. Улар 4,5 минг йилликдан буён мавжуд. Улар ҳозир йўқ бўлган одамлар учун ёдгорликдир. Мисрликлар охиратга ишонишган ва бор мол мулкларини ўзлари билан қабрларига олиб кетишган. Нима учун пирамидалар шунча йиллардан бери барқарор сақланиб келинмоқда? Кенг пойдевор. Айнан у катта бўлгани учун ҳам пирамидани қулатиш мушкул. Худди шу тузилиш бизнинг “Самарадорлик пирамидаси”га ҳам амал қилади. Унинг пойдеворини кадрятлар ташкил этади.

СТИВЕН КОВИ СЎЗЛАЙДИ

Борлиқнинг энг бебаҳо тухфаси – ҳаётнинг ўзи. Энг муҳим иккинчи совға бу қандай яшашимизни танлай олиш қобилияти. Биз том маънода ўз ҳаётимизнинг яратувчиларимиз. Бундай имкониятлар на ҳайвонот оламига ва на табиатга берилгандир. У фақат инсониятга тақдим қилинган. Бу одамзотга берилган ноёб неъматдир. Биз чиндан ҳам ўз ҳаётимизни қурамыз. Бу қобилият бизга чуқур сингиб кетган. Шунга қарамай, баъзилар ўсиб-улғайганидан сўнг ўзларининг ижодий қобилиятларини йўқ қилишга ва босим ўтказишга уринувчи турли ижтимоий дастурларни амалга ошираётган расм русумларга ўралашиб яшайдилар. Одамлар ҳақиқатда муҳим нарсалар учун атрофдаги муҳит ва турли вазиятларни айблай бошлайдилар. Ҳозир, ўз ҳаётингиз бунёдкори ўзингиз эканини билиб, қандай асосий қарорни қабул қилиш жоиз? Келгуси қарорларнинг барчаси унга бево-сита боғлиқдир.

Ахир бир қарор бошқаларини аниқлаб берса ажойиб эмасми? Биласизми у қандай бўлиши керак? Бу— қадриятлар тизими танлаш билан боғлиқ қарор. Унга кўра келгусида қабул қилмоқчи бўлган қарорларингизга маълум бир мезонлар белгиланади.

Инсоннинг бош мақсади, ўз вазифаларига шахсий қарашлари, асосий принциплари ҳамда ҳаммадан ортиқ эътибор талаб нарса – инсон қадриятларидир. Қайта ва қайта сиз учун муҳим ва қадрли мақсадларингиз нима эканини таҳлил қилиш лозим. Такрор айтаман: қадриятлар танлови ниҳоятда муҳим бўлиб, келаси қарорлар унга кўра келишилади.

Ғарб оламида кўпчилик бу масалада қайғурмайди. Унинг вакили одатда, рефлексияга мойил бўлмай, аксинча – амалий лаёқатли инсондир. Ҳар ҳолда фикрга толиш учун вақт топмоқ даркор. Тўхташ, ўйлаш ва энг муҳим ҳаётий саволларга жавоб бермоқ зарур: “Қандай тўсиқларни енгиб ўтмоқчиман?”, “Қандай чўққига етмоқчиман?”, “Мақсадларим нима?”, “Қайси ишни охирига етказишни истайман?”, “Ҳаётимни қайси қадриятлар белгилаб беради?”. Мақсадлар ва уларнинг мазмуни бир бирига узвий боғлиқдир. Агар мақсадларингиз маъносини йўқотган бўлса, финалга ҳеч қачон етиб бормайсиз. Бу фикрни қўлламаслигингиз мумкин. Дарҳақиқат, кимдир вақтинчалик фойдага эришади, лекин мен кафолатлайман: қалбингизга қулоқ тутинг, ўзингизга ташқаридан назар солинг. Муросалар барча қарорларингиз ва иш сифатига таъсир қилиши турган гап. Мазмун ва натижалар ажралмасдир. Аксарият стратегик тўхтамлигимизни қадриятлар системаси

аниқлаб беради. Бошқа барча ечимлар улардан пайдо бўлади. Шундай эмасми Стив?

СТИВ ДЖОНС СЎЗЛАЙДИ

Биз нима учун “Самарадорлик пирамидаси” пойдеворига қадриятларни қўйдик? Чунки биз айнан уларга мувофиқ равишда ҳаракатланамиз. Улар бизга қатъиятлик беради. Ҳеч шахсий қадриятлар борасида ўйлаб ўтирмай қандайдир иш кўришингизга тўғри келганми? Албатта, нуқул кетма-кет шундай қиламиз. Ҳудди шундай ҳолларда аслида қадриятларга таяниш ва сиз учун муҳим мақсадлар ҳақида ўйлаш лозим. Бир ишнинг бошини тутишдан аввал унинг қадриятларимиз билан қандай боғлиқлиги бор эканини ўйланг. Ўзингизга “Бу ишни қилиш фурсати етди” деб қутулишнинг ўзи етарли эмас. Демак, “Самарадорлик пирамидаси” таянчида қадриятлар ётади. Қадриятларни саранжомлаб уларни энди ҳаётга татбиқ этишга тайёрланар экансиз, ҳаракатлар режасини тузиш, пирамиданинг иккинчи қаватини ташкил этган мақсадларни аниқлаш ва режалаштириш билан шуғулланишингиз керак. Бунда бизнинг органикадан фойдаланасиз, мен эса сизга нима қилиш кераклигини бир неча усуллари кўрсатаман.

Энди бизда ниҳоятда керакли маълумот бор. Биз қадриятларни топдик, кутилаётган мақсадлар аён, шунингдек, уларга етиш муддатини биламиз. Шундоқ ҳам воқеаларга бой турмушимизга янги ишларни киритиш қолди холос. Бирор нарсадан воз кечибгина уларга жой топса бўлади.

Аввало, ҳафталик режа тузишдан ишни бошлаш керак. Фаолиятингизни уйдаги бурчлар билан мос равишда уйғунлаш учун мақсад ўрнатишда тўхтаб қолмаслик керак. У реал ҳаётдан бироз йироқ; бу фақатгина ҳомаки лойиҳа, режанинг умумий ғоясидир. Аммо, кундалик режалар босқичида ҳам ишлаш ярамайди, акс ҳолда жорий ташвишлар сизни енгади... Яхшиси, ҳафталик режалаштиришга қайтамыз.

Агар ҳар ҳафта 20-30 дақиқа муҳим бироқ шошилинч бўлмаган (№2квadrant) машғулотлар ҳақида ўйлашга вақт ажратсангиз, бу албатта иш унумдорлигини оширади. Сизга уч нарсани таништираман. Уларни мунтазам бажариб, ҳаётингизни янада балансда сақлайсиз. Хўш, пирамида чўққиси – кунлик режалар, ўй-фикрларимиз кульминацияси. Қадриятларни англаш, мақсадларни кўя билиш ва ҳафта ё кун режаларини тузиш—буларнинг бари биз иккинчи квадрантга тайинлаган асосий нарсаларга “Самарадорлик ва мувозанат”га эътибор бериш имконини яратади. Жараён тўлалигича пухта ўйлаб чиқилган бўлиши керак ва шундан кейингина ҳаракатлар бошланади.

Кичик бир ҳикоя айтиб бераман. Ҳаёлан воқеа содир бўлган 1980-йилларга қайтаман. Rubbermaid компаниясидан илк бор вақт бошқаруви бўйича ўз ташкилотимда семинар ўтиш учун сертификатни қўлга киритган эдим. Бу таълим беришда биринчи тажрибам эди. Машғулотга 50 та киши келди. Ўша пайтда Rubbermaid нинг “Фалсафа ва асосий тамойиллар” номли ҳужжати бор эди. Унда компания қадриятлари ва унинг асосий вазифалари ҳақида сўз

боради. Мен органайзер ўлчамидаги карточкаларга ушбу ҳужжатни чоп эттирдим. Менга сертификат такдим қилган Franklin компанияси ўша даврда фақат бир хил форматдаги карточкаларни чиқарарди. Шундай қилиб мен Rubbermaid ташкилотининг дастурли ҳужжатини ёздим ва ташкилот қадриятлари ҳақида сўз борганида гуруҳга карточкалар тарқатдим. Компания ўзининг тамойилларига эгалигини бонг уриб гапирдим. Rubbermaid нинг шундай ҳужжати борлиги менга жуда маъқул эди.

Семинар қатнашчилари орасида ниҳоятда таъсирчан йигит бор экан. Стулдан сакраб турди-ю, ҳамманинг кўз ўнгида қўлидаги карточкасини ғижимлаб ташлади ва уни гуваладек қилиб ўраб қўйди. Етмаганига бақирарди... Рост, ҳақиқат... “Биз бундай бўлмағур ишни қилмаймиз!” – деди ва қоғоз ўрамни хонадан улоқтириб юборди. Менимча, йигитча айтган “бўлмағур иш” энг тўғри танланган сўз. Сўнгра у йўлак бўйлаб қадриятлар борасида вайсаб юра бошлади ва компания уларга риоя этмаслигини даъво қилди. У асосан ўз фаолияти мобайнида бу қадриятларга тўғри келмайдиган ишларни қилган кўп кишиларни кўрганини айтди.

Наҳотки?... Бировнинг хулқ-атвори ташкилот қадриятларига зид эканини гувоҳи бўламиз. Айниқса, уларнинг ичидан бирини танласангиз. Умуман олганда, қадриятлар зиддиятли бўлиши табиий; бирортасини танлаш керак. Баъзида айримлар ўзини компания қадриятларига зид бўлган йўлларда тутди. Бу ходимлар уларни фарқламайди дегани эмас. Шунчаки, ҳали улар ўзларини ташкилотнинг бир

қисми эканини ҳис қилмаган. Бу йигитнинг фикрига кўра, ҳеч биримиз қадриятларга эга эмасмиз, сабаби уларга ҳаракатлармиз билан атайлаб ёки тасодифан қарши чиқамиз. Лекин шахсий қадриятларимиз аниқ бўлса, тўғри йўлдан адашмай давом этиш мумкин. Бизнинг 100% имиз давомида қадриятлармиз 100% ҳатти-ҳаракатимизга мос келади дегани эмас.

ТАШКИЛОТ ЎЗИ НИМА?

СТИВ ДЖОНС СЎЗЛАЙДИ

Келинг, ташкилот ўзи нима экани ҳақида гаплашамиз. Уни нима шаклантиради? Ким? Ташкилот бу ягона организмдир. Қадриятларига мос тарзда фаолият олиб бориши учун ким нима қилиши зарур? Албатта, ҳар ким алоҳида шахсдир. Ҳаммамиз ҳам. Ён-атрофга қарашнинг ҳожати йўқ. Агар хоҳиш кучли бўлса, “нотўғри” қилмишларни ҳар доим аниқла-са бўлади. Ҳудди шундай, хоҳиш бўлса, “яхши” ҳаракатларга ҳам мисоллар топиш мумкин. Менимча, кейинги саволлар қуйидагича: “Мен ўзимни қандай тутаман?, Бошқаларнинг мендан кутган умидларини қанчалик даражада оқлай олдим? Мен учун нима муҳим?”. Агар ишга кирсам, демак маълум бир маъсулиятни бўйнимга оламан. Ташкилот мақсади ва фаолияти ҳақида шунчаки ўйлаш эмас, унга ҳамонанг равишда ишлашни бошлайман. Акс ҳолда, бу ишга келиб ўтирмай, бошқа юмуш топган яхши.

Ташкилот тараққиёти учун ҳар бирингизни ривожлантириш керак. Бу масала билан биз шуғулланамиз ва сизга ҳам шуни ўргатамиз. “Самарадорлик пирамидаси” нинг ҳар бир босқичини биргаликда

кўриб чиқамиз.

Унинг пойдевори бўлган кадриятлардан бошлаймиз. Китоб билан ишлаш жараёнида нафақат шахсий кадриятларингизни санаб берасиз, балки нима учун уларни танлаганингизни тушунтира оласиз. Айнан кадриятлар бизга куч бағишлаши сабаб биз уларни “Самарадорлик пирамида”си асосига жойладик. Кадриятларимиздан қанча яхши хабардор бўлсак, турли ҳатти-ҳаракатларимизга нима туртки бўлаётгани яққол намоён бўлади. Чиндан, улар бизнинг фаолиятимизни йўналтиради ва бошқаради дейиш мумкин. Сизга етакчилик қиладиган кадриятлар сиздаги стандартларни, идеалликларни ва бош мақсадларни ўз ичига қамраб олади.

Америка тарихида муҳим роль ижро этган Бенжамин Франклин шарофати билан семинар ғояси келиб чиққан ва компаниямиз Franklin Covey деб номланган. У жуда кўп фойдали амаллар қилган ўта муваффақиятли инсон сифатида машҳур бўлгани барчамизга маълум. Дарвоқе, аниқ эслай оласизми? Бен Франклин қандай ютуқларга эришганди? Биричидан, у ёнғин хавфсизлиги хизматини ташкил этган... Жамоат кутубхоналари... Почта... У АҚШ почта хизматининг биринчи раҳбари бўлган. У Франклин номли духовка ва бифокал⁸ кўзойнақларни ишлаб чиққан. Франклин олим, ихтирочи, сиёсатчи, давлат арбоби, АҚШнинг Франциядаги элчиси бўлган. Ҳаёти давомида жуда кўп ишларни қилди. Филадельфияда унинг номида кичик уй музей бор. У ерда Франклиннинг айрим ихтироларидан намуналар намоиш этилади. Жуда қизиқ. Музейга кираверишда-

⁸ Бифокал- ҳам узокни ҳам яқинни кўришга мослаштирилган линзалар.

ги деворларга ҳудди унинг ҳаёт йўли акс эттирилган-дек. Унда алоҳида саналар, Франклиннинг ёши ва шу пайтгача нимага эришганлари кўрсатилган. Ажойиб рўйхат. Сиз Бен Франклин резинка ластлар⁹ни ўйлаб топганини билармидингиз? Мен учун бу кутилмаган янгилик бўлди. У ашаддий сузувчи бўлган... Бир сўз билан айтганда, кўп нарсаларни ўйлаб топган.

Бироқ 27 ёшида Бен бир талай ишлар қилганидан кўнгли тўлмаган. Ўзини чиндан омадсиз деб билган. Шу пайтгача нималар қилганини билган одам ундай демайди, лекин Беннинг ўзига муносабати бошқача эди. Бир қанча вақт Бен ўзининг асосий фазилатлари нима эканини аниқлашга киришди. У “қадриятлар” сўзини эмас, айнан шу сўзни қўллаган. Дастлаб, Бен Франклин ўзи учун 12 фазилатини кашф этади. У бу рўйхатни дўстига кўрсатганда “Ажойиб. Лекин сиз бир нарсани унутибсиз. Сиз ўта камтар эмассиз. Камтарликни ҳам қўшсангиз яхши бўларди” деб айтади. Бенга дўстининг фикри маъқул келади ва энди уларни замонавий тилда қандай номлашимиздан қатъи назар Беннинг рўйхатида 13 та қадриятлар бор эди.

Агар Беннинг таржимаи ҳоли билан танишиб чиқсангиз, ўша вақтдан бошлаб у 13 ҳафталик даврда яшай бошлаганини ва ҳар ҳафтани қадриятларидан бирини шакллантиришга бағишлаганини биласиз. Ўзига аниқ мақсадлар қўйиб, уларга бор диққатини қаратар, келаси душанбадан янги иш бошларди. 13-ҳафта якунига етганда, Бен яна биринчи ҳафтанинг дастуридан иш бошларди. Умрининг сўнггига қадар у шу тарзда яшади.

⁹ Ласт – сувда сузиш учун икки оёқ учига кийиладиган резина мослама.

Франклин таржимаи ҳолида у доим ўзи билан олиб юрган кичкина китобча ҳақида ёзилган. Менимча уни “франклин органайзери” деб номлаган бўлса керак, лекин бу ҳақида тилга олишни унутган. Китоб ҳамиша унинг ёнида ҳаётини ташкиллаштиришда кўмак берган. Кейинчалик у ўз мемуарларида шундай ёзади: “Мен барча 12 та қадриятларимни ривожлантира олганимга аминман” (бу ерда у яна 12 та қадрият деб гапирган). 13 чи фазилат, “камтарлик” тўғрисида Франклин шундай ёзади: “Биласизми, биринчи 12 та фазилатларда муваффақиятга эришгандан сўнг, камтарликка бош эгиш қийин. Минг лаънат. Камтарликни деразадан отиб юборишингиз мумкин.” Нега у камтарликка интилмаган? Балки бунинг сабаби, бу хислатнинг унга табиатан хос эмаслигидадир. Франклинга камтарлик борасида айтиб ўтишган, шунинг учун у қалбдан эмас, миядан чиқарди. Дуруст изох.

ҚАДРИЯТЛАР

СТИВ ДЖОНС СЎЗЛАЙДИ

Шахсий қадриятларингиз ҳақида бир неча дақиқа ўйлаб кўринг. Албатта бу вақт етарли эмас, лекин бошлаб турса бўлади. Барибир бунда кимдир қийинчиликка учрайди. Шунга қарамай уринишдан тўхтаманг. Кўриб турибман, баъзилар ижобий маъқулламokban. Яхши, ҳозир қадриятларингизни аниқлаб уларни санаб ўтасиз. Улар ҳақида фикрингизни ойдинлаштирасиз... Ушбу машғулотнинг мураккаблигига яна қайтамыз... Яна бир нарсга қўшишни лозим топдим.

Қадриятлар белгилаб олинганидан кейин уларга намуна келтириш лозим. Нима учун? Сабаби, қадриятлар бир хил бўлса-да, ҳар кимнинг унга ўз қарашлари, мулоҳазаси мавжуд. Биз ўша-ўша таъриф айтиб ўтганимыз билан, уни бутунлай бир-бирига ўхшамаган тарзда шарҳлаш мумкин. Шунинг учун фикрларингизни изоҳлаб беринг.

То инсонлар орасидаги муносабатлар ҳақида суҳбатлашганимызча, мисоллар келтириб ўтишимга ижозат бергайсиз. Бен Франклинга қайтамыз. Ўзининг шахсий фазилатлари борасида Бен икки жумла

ёзиб қолдирган. Мана, мисол учун, “самимийлик” тушунчасига унинг тавсифи: “Кўпол ёлғонни кўлламаслик. Виждонан ва адолат билан фикрлаш. Вазиятга яраша сўзлаш.” Ҳа, у ўз сўзига эга инсон эди. Ҳақиқий назм. Энди замонавийроқ мисол бераман. Уни Женин исмли менежер аёл менга айтганди. “Самарадорлик пирамидаси” нинг бошқа даражаларини муҳокама қила туриб, бу мавзуга яна қайтамиз. Ундаги иккита қадрият “Жамоада ишлаш” ва “Ижодкорлик”ни у шундай изоҳлайди. “Жамоада ишлаш”: “Мен бошқалар билан бирга ишлайман ва жамоамизни олдинга ҳаракат қилишига ёрдам беришда ўз ҳиссамни кўшаман”. Эҳтимол, унинг ҳар куни учун бу адолатдан бўлмас, лекин Женнин жамоадаги ишини шундай кўради. Энди “Ижодкорлик”: “Мен ўзимнинг ноёб имкониятларимни биламан, чунки янги ечимлар таклиф қила оламан ва нима қилиш кераклигини ўзим аниқлайман”. Женнининг гаплари биринчи шахсда ва ҳозирги замонда айтилганига аҳамият бердингизми? Булар тасдиқ гаплар дейилади. Бундай грамматик шаклнинг кучи нимада? Даставвал бир оз ишончсизлик ҳис қилишингиз мумкин, бироқ қутилган ҳолатга келишга тасдиқловчи гаплар ёрдамга келади. Умуман олганда, шунга ўхшаш гапларни ёзиб ўзингизга “Бир кун келиб шундай бўлишини ҳохлайман ва умид қиламанки...” дея оласиз. Нутқ аслида ортиқча куч талаб қилмайди. Лекин тасдиқ гапларнинг ўзи унга қатъият беради.

Яна бир мисол. 1986 йил бу каби семинарда ўзим тингловчи сифатида иштирок этганимда, мен ҳам қадриятларни топиш учун бир мунча вақт сарфда-

гандим. Авваллари ҳечам на мактаб, на коллеж, на ишхонада бунини синаб кўрмаганман. Тузган қадриятларим рўйхатига боқиб, “Ҳа, бу айнан менга муҳим бўлган нарсалар, соғлиқ, иш, оила”... Кейин “Оила” тушунчасини ўзгача тарзда талқин қилдим: “Мен – ажойиб ва суюкли эр ва отаман”. Энди бу тасдиқ гапдир.

Келинг, қадриятлар мазмунини битта сўзда ифода қилаймиз. Кейин эса уларни тасдиқ гаплар билан изоҳлаймиз. Ўшанда мен шундай ёздим: “Мен рафиқам ва болаларимни жуда яхши кўраман. Уларга ҳурмат, сабр тоқат, меҳр билан муносабатда бўламан ва уларни доимо қўллаб қувватлайман. Мен Деб га молиявий масалаларимиз, оилавий ишлар ва шахсий мақсадларда бир қарорга келишда кўмаклашаман. Уни жисмонан, ақлан ва маънан ривожлантиришга ундайман. Биринчи навбатда рафиқам ҳақида ўйлаб кейин бирор қарор қабул қиламан. Фарзандларим билан шуғулланаман ва уларнинг таълимига масъулман. Бунинг учун мактаб эмас, мен жавобгарман. Бу менинг ишим.

Оилам менинг таянчим. Оиламга бўлган ишончим бизнинг муносабатларимизни мустаҳкамлайди. Мен оилавий масалаларда иштирок этаман. Аёлим ва фарзандларим ўз саволлари, муаммолари бўйича осон мурожаат қилиши ёки шунчаки мен билан гап сотиши учун яхши муҳит яратаман”. Яна кўп нарса ёздим.

Бу вазифа борасида жудаям тўлқинланганимни яхши хотирлайман. Ёзувларни уйга олиб келдим, машғулотда нималар қилганимизни рафиқамга гапи-

риб бердим ва қайдларимни унга ўқидим. Хотиним охиргача тинглади ва “Тўхтанг, тўхтанг! Бунинг ҳаммаси қачон бўлади?”,-деди. Менимча, режаларимдан бирортасини бажармаганман ёки жуда яхши иш қилганман эҳтимол. Ҳар ҳолда менда махсус ният йўқ эди. Мен энди қандай бўлишни хоҳлаётганимни ва нимани ўзгартириш кераклигини тушундим.

Оилага қадрият сифатида қарашларим янада мукаммаллашди. Гарчи асосий мазмунни бир неча жумлада ифодалашнинг имкони бўлса-да, ҳеч нарсани қисқартирмасликни хоҳладим. Баъзан қайдларимни қайта ўқиб, бу менинг шахсий қадриятларни аниқлашда илк уринишим эканини ўйлайман, бу мен ва оилам учун ғоятда муҳим роль ўйнаган.

Органайзерларда “Вазифалар ва қадриятлар” сарлавҳали махсус саҳифалар мавжуд. Бу ерда миссия масаласини муҳокама қилмаймиз, ваҳоланки, кўпчилик қадриятларни белгилаб олиш ҳақида мулоҳаза қилган ҳолда, ўзлари ўз шахсий миссияси деб ҳисоблашлари мумкин бўлган тўлақонли жумлани иборани шакллантиришни хоҳлайди. Мен буни синаб кўришни тавсия қиламан. Кимдир учун миссияни шакллантириш барча шахсий қадриятларни бирлаштиришга ёрдам беради. Кимдир ўзи учун яна бир маълумотни қабул қилади холос.

Стивен Ковининг “Юқори самарадорли инсонларнинг етти кўникмалари”¹⁰ китобида ишингизга қўл келадиган намуналар топишингиз мумкин. Унда асосий мавзу шахсий вазифаларга қаратилган ва у жуда мазмундор, сизга у билан танишиб чиқишни

¹⁰ Кови С. Юқори самарали инсонларнинг еттита кўникмалари. Шахсиятни ривожлантиришнинг кучли қуроллари. — М.: Альпина Паблишер, 2011.

тавсия қиламан.

Келинг, диққатимизни қадрият нималигини аниқлашга қаратамиз. Органайзерларингизни қўлга олиб, “Қадриятлар/вазифалар” саҳифасини очинг, “Қадриятлар: мен уларни қандай тушунаман”. Нималарни қайд қилганингизни кўринг ва бирор нима қўшиш ёки ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўринг. Сўнг бу қадрият сиз учун айнан нимани изоҳлашини бир икки жумлада ифодалаб беришга ҳаракат қилинг.

Балки кимдир топшириқни яқунлашга улгурмагандир, бироқ ҳозирча шу ерда тўхтаимиз. У ҳолда вазифани мустақил равишда уйда битиришни таклиф қиламан. Келинг, топшириқнинг мураккаблиги ҳақидаги саволга қайтайлик. Кўриб турибман, қадриятларни номлаш у қадар осон эмаслигига бош чайқаб ижобий розилик билдирмоқдасиз. Ундай бўлса кимга ёзма шаклда топшириш қийин? Хўш, нима сабабдан бу топшириқ машаққатли?

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ ЭННИ СЎЗЛАЙДИ

Мен учун бу, мен яхшиланишини истаган нарсаларни ёзганим учун қийинчилик туғдирди. Мен буларни амалда бажармаётганимни тан оламан, вазият-ни ўзгартиришим керак. Энг оғир масала ҳам шунда деб ҳисоблайман.

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Эҳтимол, ёзиб қўйиш эмас, қайдлар орқали тан олиш қийиндир. Худди барча мажбуриятларни бўйнимга олгандекман. Сизда-чи Энни?

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ ЭННИ СЎРАДИ

Мен нимани ҳис қилаётганимни изҳор қилиш учун сўз топишда қийналаман, топшириқнинг мен учун қийинчилиги шунда. Бу билим менга тегишли бўлишига қарамай, уни қандай бошқаларга етказиш мумкинлигини билмайман. Нима қилиш керак?

СТИВ ДЖОНС ЖАВОБ ҚАЙТАРДИ

Табиий, сўзлар... Уларни ҳис қилишимиз, сезишимиз мумкин, лекин керакли сўзларни топиш осон эмас... Қийинчиликлар ва сабаблари борасида яна фикр борми? Джейн?

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ ДЖЕЙН АЙТДИ:

Ўзимга савол билан юзланаман: Бор кадриятларим шуми ёки каттагина қисмини унутдимми? Ҳеч нарсани қўлдан чиқармасликни истардим.

СТИВ ДЖОНС СЎЗЛАДИ

Чиндан ҳам бу муҳим лаҳзалар. Бирор нарсани унутишдан чўчисак, уни ҳаддан ортиқ кўп эслай-верамиз. Бутунги эслатмалар тошга битилмаслиги рост, лекин бу ишнинг дебочасидир. Ижобий тавсифларни шакллантиришга уринаётган чоғингиз, қайсидир хислатларингиз яхшиланаётганини, қолганлари устида яна шуғулланиш кераклигини тушуна бошлайсиз. Ушбу машқ сизга нимани ривожлантиришни хоҳлаётганингиз ҳақида янги қарашларни беради ёки сиз аллақачон яхшилаган жиҳатларни кейинги босқичга олиб чиқиш мумкинлигини тушуна-на-сиз. Эҳтимол бу сизни ҳаяжонга солар. Тўла-тўқис рўйхат тузишга тиришманг. Бир ой ўтгач, дарсимиз материалларини такрорлаганда, ниманидир ёдга олишингиз муқаррар. Қайдлар тирик ва ўзгарувчан-дир. Қадриятларингиз бутунлай ўзгармайди, аммо уларни қайта талқин қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш учун нима қилиш борасидаги таклифларингиз ўзга-риши мумкин.

Сабаби бунда бир хавф борки: у ҳам бўлса, сиз бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса устида ривожланишни истайсиз. Лекин бунинг учун дунёдан бутунлай ажралган ҳолда, айтайлик, тоғда яшашга тўғри келади. Агар сиз оддий реалликда, кундалик ишлар тартибсизлигида яшасангиз, буларнинг бари сизга ҳақиқатан ҳам муҳим нарсага эътибор қаратишга кўмаклашади.

Аммо турли сабабларга кўра буни амалда бажариш осон бўлмайди. Нима учун ўзи бундай нарсаларга эътибор қаратиш керак деган ўринли савол

туғилади? Агар иш шунчалик қийин бўлса, бажаришнинг нима кераги бор? Менда бу борада мулоҳазалар етарлича, лекин уни сўз билан ифодалашга ожизман. Қолаверса, ниманидир йўқотишдан қўрқаман. Бирор нарсани шакллантиришдан бош тортиш осонроқдек туюлади. Токи қадриятларимизни ойдинлаштирмас эканмиз, ҳаётимиз мазмунсиз бўлаверади, демокчиман. У янада эътиборсиз ва мақсадсиз кунларга айланаверади. Қадриятларни ривожлантириш, бизга барчасини бир бутун қилиб кўришга, айрим ҳис туйғуларимизни изҳор қилишга, нуқтайи назарларимизни очиб беришга ёрдам беради.

ҲАММА НАРСАНИНГ ЎЗ ВАҚТ СОАТИ БОР

Агар бор қадриятлармизни ҳаммасини санаб, тунтирган тақдиримизда ҳам, бу уларни дарров ҳаётга татбиқ қилиш лозимлигини англамайди. Қулай фурсат қачон келишини кузатамиз.

Бир куни отам билан мароқли суҳбат кургандик. Биз, Огайо штатидаги Кливлендда ўсиб-улғайдик, отам у ерда NASA базасида ишларди. Нафақага чиққанидан сўнг, ота-онам Аризонадаги Тусонга кўчиб ўтишди.

Менинг икки укаларим бор эди. Уччаламиз ҳам вояга етгач, коллежда ўқиш учун уйдан кетдик, кейин ҳар биримиз ўз ҳаётимизни яшай бошладик. Ота-онамиз Тусонга кўчганидан сўнг, улар илгари қилмаган ишларини қилаётганининг гувоҳи бўлдим. Онам билан отам саёҳат қилар, теннис ва гольф ўйнар эдилар. Бу машғулотлар уларга доим ёқиб келган, лекин улар ўзларига ҳеч қачон бунча кўп вақт ажратишмаган эди. Отам кўнгиллилар ҳаракатида фаол шуғуллана бошлади, онам эса ўзининг кичик консултация фирмасини яратди. Аризонага бориб уларни йўқлаганимда, отамга уларнинг онам билан янги қизиқишлари пайдо бўлганини кўрганимдан мамнун

эканимни айтдим. У ҳайрат билан мендан: “Нимани назарда тутяпсан?”,-деб сўради. Англаганларимдан айримларини мисол қилиб келтирдим. Ўшанда отам: “Бу машғулотлар бизга ҳамиша ёққан, лекин уч ўғилни вояга етказиш ва коллежда ўқитиш керак эди”,-деб айтди. Бундан ташқари менинг ишдаги мавқеим ва онангининг кечки мактаби бор эди. Булар бизни истакларимиздан чеклаб турарди. Буларнинг барчасида яхши натижага эришиш учун, ниманидир кутиш керак эканини билардик. Отам билан бўлган суҳбат менга катта сабоқ бўлди. Ҳаммасига бирдан эришиб бўлмайди, танловни тўғри қилиш зарур.

Номлари тарихда қолган кўпчилик (ўзингиз намуна келтириб кўринг), тамойилларига мувофиқ қарорлар қабул қилишда қийналишган ва ҳатто улар учун ўлимга ҳам рози бўлишган.

Жанна Д’Аркни бир эсланг. Сизга у ҳақида нималар маълум эканини билмадим. У аёл ҳақида ишланган фильмни кўрмаганман ва унинг ҳаётидаги воқеалар қанчалик аниқ ёритилганидан беҳабарман. Маълумки, 14 ёшида Жанна ўзига миссия юклатилганини сезади. У турли овозларни эшитар, Франциyani инглизлардан қутқариш учун Худонинг ўзи уни ундаяпти деган қарорга келади. У француз қиролини бунга ишонтиради ва армияга бошчилик қилади. Жанна ўз вазифаси деб билган ишларни бажаради ва ғалабалар қозонади. Бир йил ўтгач, жангларнинг бирида Жанна инглизлар қўлига асирликка тушиб қолади. Улар Жанна ўтмишидан хабардор бўлгани боис, унга Англияда яшаб жон сақлашни таклиф қилишади. Эвазига Жанна юқоридан ҳеч қандай овоз

эшитмагани ва Худонинг иродасини адо этмаганига иқрор бўлиши талаб қилинарди. Шубҳасиз, Жанна бу таклифдан бош тортади.

Максвелл Андерсон “Лотаринглик Жанна” номли пьеса ёзади. Жаннанинг асл сўзларини ишлатганми йўқми, буни билмайман. Лекин бу тарихий драмада беназир сахналар борки, уларни сиз азизлар билан баҳам кўрмай иложим йўқ.

Андерсоннинг пьесасидаги қаҳрамон шундай дейди: “Мен биламан. Ҳар бир эркак ҳаётида нимагаки ишонса, унга жонини фидо қилади. Аёллар ҳам худди шундай қилади. Баъзан одамлар арзимас нарсага ҳам ишонади ёки умуман ҳеч нимага ишонмайди. Ҳаёт инсонга бир бор тақдим этилган, ва уни ишонган нарсасига монанд яшаб ўтади. Аммо ҳаётдаги мақсадидан воз кечиб, эътиқодсиз яшаш, ўлишдан дахшатлироқ, ҳатто ёш бўлатуриб вафот этишдан-да мудҳиш”.

Албатта, бизнинг муаммолар, айниқса, кундалик қарорларимиз – ҳаёт ё мамот даражасида деб иддао қилмайман. Лекин келажакка назар солиб, уларнинг қанчали аҳамиятли эканини ҳис қиламизми? Қадриятларни тушуниш ва уларга ойдинлик киритиш ниҳоятда муҳимдир.

Бугунги машғулотдан сўнг уч ҳафта мобайнида бир иш билан банд бўлишингизни айтиб ўтгандим. Мажбуриятларингизни ёзиб олишни тавсия қиламан. Бунинг учун ҳозир сиз органайзерда киритиб ўтган асосий қадриятлар саҳифасининг орқа тарафида бўш жой қолдирилган. “Уч ҳафталик бурчлар” дея сарлавҳа қўйинг ва биринчи вазифани ёзинг: Келгу-

си икки кун давомида мен асосий кадриятларимни лойиҳалаштираман. Бу ерда “ҳомаки лойиҳа” калит сўз. Сизлардан асрга татиғулик тошга битилган ёзув сўрамайман. Хотиранингизда семинардан кейинги таассуротлар ҳали янгилигида, яқин икки кун ичида кадриятларингизни белгилаб олиш ҳақида гап кетмоқда. Агар рўйхатингиз тайёр бўлса, измингиздаги 48 соат ичида рўйхатга ниманидир қўшиш ё ўзгартириш керак ёки керак эмаслиги ҳақида ўйлаб кўринг. Муҳим лекин шошилинич бўлмаган ишлар квадрантига киритган кадриятларингиз борасида ҳам шу икки кун яхшилаб мулоҳаза қилинг. Асл шахсий кадриятларингиз шуларми? Шундай бўлса, аниқлик киритинг. Биринчи ишингизни доимий мурожаат қиладиган андоза сифатида қабул қилинг.

Яна Америка тарихи ва Бенжамин Франклинга қайтамиз. АҚШ конституцияси ҳақида бир ўйлаб кўринг: мамлакат фуқароси сифатида бу ҳужжатнинг биз учун аҳамияти қай даражада? Унда бизнинг бош кадриятларимиз ифода топган, шундай эмасми?

Бундай муҳим ҳужжат ташкил топишида тер тўккан бу оқсоқол, кекса жаноб ким? Бен Франклин. У бутун умри давомида АҚШ Конституцияси устида ишлаган. Мустақиллик учун урушда мамлакатимиз ўз қондаларингиз кадр-қимматини тасдиқлади. Агар биз уларга ишонмаганимизда, ғалаба қозонмас эдик: ахир ялангоёқ мустамлакачилар дунёдаги энг қудратли армиялардан бирига қарши чиқдилар ва уни мағлуб этдилар. Таассуфки, ҳужжат қайтадан кўриб чиқилди. Конфедерация барпо бўлиши ҳақидаги шартнома, яъни биринчи Америка Конституцияси

энди ўз кучини йўқотди. Аммо Бен Франклин илк мустамлакачиларга ўз қадриятларини шакллантириш ва уларни татбиқ қилишга ўргатди. Агар фикримизни маъқулламасангиз, мушоҳада қилиб кўринг. Қонунлар мунтазам ўзгариб боради биз эса бу ҳолатга хотиржам муносабат билдирамиз. Лекин бош қомус Конституцияга ўзгартириш киритилса, бу ҳар бир кишини тўлқинлантиради ва турли муносабатлар билдирилади. Нега? Сабаби, Конституция бизнинг асосий қадриятларимизни ифодалайди. Уларнинг аҳамияти биз учун беназир.

Келгуси икки кун ичида шахсий конституциянгизни яратишни таклиф қиламан. Кимдир бу жараёни бевосита яқинлари ва оиласи билан бажариши ва қадриятларга асосланган конституциясини тузиб чиқиши мумкин. Бу сизга янги истиқболларни белгилаш имкони учун фойдали тажриба бўлиб хизмат қилади. Шундай қилиб, яқин 48 соатни бош ҳаётий қадриятларимизга бағишлаймиз.

МАҚСАДЛАРНИ ЛОЙИХАЛАШ

Маълумотларга эга бўлдик, “Самарадорлик пирамидаси” пойдевори тайёр, энди асосий қадриятларимизни ҳақиқатга айлантириш режасини тузиб чиқамиз. Айрим ҳолларда, шакллантирилган тамоийилларимизга ўз ҳатти-ҳаракатларимизни мувофилаштиришга ва мукаммаллаштиришга тўғри келади. Шундай қилиб пирамиданинг “Мақсадларни лойиҳалаш” ёки содда қилиб айтганда “Мақсадлар” деб номланган кейинги босқичига кўтариламиз. Сўзни Стивен Ковига берсак.

СТИВЕН КОВИ ГАПИРАДИ

Барча жисмлар икки бор яратилади. Қизиқарли даъво, тўғрими? Сиз яшаб турган хона икки босқичда яратилган. Дастлаб архитектор ёки дизайнер, кейин эса қурувчилар ишлаган. Бугунги учрашув хусусида ўйлаб кўринг. У ҳам икки марта яратилган. Ҳар доим ҳам биринчи босқични пайқаб бўлмайди. Бироқ у ҳар сафар онгостимизда рўй беради ва қарорларимизга таъсир кўрсатади. Токи инсон оқилона фикр юритмас экан, бу ҳол беихтиёр рўй бераверади. Сўнг, ҳар ким ўзига “Учрашув нима учун ўтказиляпти? Бу-

нинг ортида нима бор?” дея савол беради.

Эҳтимол, ҳамма ўз бурчини бажаряпти, биз эса муҳим ва доимий қадриятга содиқликни шакллантирувчи жараённи—ўзинг истаган нарсага эришиш учун шахсий тамойилларни бузолмасликни англаш ва одамларга нисбатан иккиюзламачилардек муносабатда бўлиб, манипулятор каби “йўқ”ни назарда тутса ҳам “ҳа” дейдиган инсон билан якунни йўлга қўйиш ҳаракатидамиз. Иммун тизими ҳақида кўпчилик билади. Эсимда, чечакка қарши эмланганимда роса йиғлаганман ва менга бу умуман ёқмаган эди. Аммо ота онам менга “Соддагина, ахир бу сени касалланишдан ҳимоялайди” дея тушунтиришга уринарди. Ҳар сафар одамларни ҳоҳ мақсадлар белгилаш, ҳоҳ тамойиллар ёки қадриятларни шакллантириш учун жамлаганингизда, бу катта меҳнат талаб қилади, олдингизга қийин вазифа қўяди. Бироқ, шу билан сизнинг иммун тизимингиз кучаяди. Янги ниятларга ихлос пайдо бўлади ва уларга ҳиссий ранг киради. Бу мотивация натижасида сизда иштиёқ юзага келади, жамоавий руҳ эса умумий мақсадларни ҳаётда рўёбга оширишга қарашади.

Мақсадларни лойиҳалаш устида бош қотирарканман, бу ҳақида инсонларнинг ҳаётдаги роллари нуқтайи назаридан ўйлашни фойдали деб топдим. Сиз тадбиркорлик билан шуғулланадиган ота-онасиз, шу билан бирга шахсий ҳаёти, дўстлар ва кўнгилли сифатида бир нималар қиласиз. Ҳаётдаги ролларингиз рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин. Вақтни бошқариш дастурининг катта қисми устунликларни тўғри тақсимлашга боғлиқлигидан

аллақачон бохабарсиз. Шундай бўлса-да энг муҳими уларни аниқлаш эмас, мувозанатлашдадир. Охир оқибатда ёқимсиз натижаларга дуч келмаслик учун, ҳаётий аҳамиятга эга бўлса-да, бир икки ролларга ҳаддан ташқари эътибор бериш ярамайди. Мақсадлар ҳақида ўйлаганда, уларни асосий ролларингизга мувофиқлаштиришга ҳаракат қилинг. Устуворлик ва мувозанат масаласини баб-баравар ҳал қилинг. Шунда муносабатларингизнинг ҳеч бири зарар кўрмайди. Атрофдагилар билан муносабат бўлмаса у ҳаёт ҳаётми? Ишончсиз яшаса бўладими? Аввало бу ўзига бўлган ишонч, қадриятларига содиқ равишда ҳалол ва тўлақонли ҳаёт қуриш, ҳақиқатда муҳим вазифаларни танлаш, барча асосий реал ролларнинг уйғунлигини билдиради. Мушоҳада қилинг.

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Келинг, мақсадни белгилаш ҳақида гапириш учун унга бошқа нуқтайи назардан ёндашамиз.

Мен сизларга тааллуқли иккита нарсани биламан. Мен ҳатто бугун биринчи марта кўрганларим ҳақида баъзи маълумотга эгаман. Биламан, ҳаммангиз қачонлардир дунёга келгансиз ва бу жуда ажойиб. Агар ҳар бир инсоннинг ҳаётини тўғри чизик сифатида тасаввур қилсак, унда туғилган сана унинг ўта чап нуқтаси бўлади. Қайси ой ва кунга тўғри келади? Ким хоҳласа, йилни белгилаши мумкин. Ким хоҳламаса, майли сукут сақласин. Сизларнинг ҳар бирингиз ҳақида мен билган иккинчи нарса - бу ҳаёт чизигида ҳали ҳеч биримиз эришмаган нуқтадир. У

ўнг томонда ва бу бизнинг ўлим санамиз.

Ҳаёт қайсидир йўлида бугун ҳам турибди. Кўп ўйламасдан аниқ қаердалигини ишора қила оласизми? Гарри, бу, менимча, жуда оптимистик, нуқтани бироз силжитинг. Ҳазил.

Шундай қилиб, сиз бугунги кунга тўғри келадиган ҳаёт чизиғидасиз ва сиз туғилган кунингизга қарайсиз. Сиз ҳаёт давомида содир бўлган бир қатор воқеаларни кўришингиз мумкин; бу сизнинг шахсий ҳикоянгиз... Сиз уни ўзгартира олмайсиз. Бу қотиб қолган цементга ўхшайди. Ўтмиш ҳақида ҳеч нарса қилиш керак эмас; бундан ташқари, агар вақтингиз бўлса, сиз эски расмларни кўриб чиқасиз ва албом қиласиз. Сизлардан бирортангиз мақсадларингиз орасига фотосуратлар таҳлилини қўшганми?

Агар биз бугунги кунга тўғри келадиган нуқтани назардан қарасак, бизда қандайдир имкониятлар мавжуд. Иккита таклиф бор: ёки сиз билан нимадир содир бўлишини кутасиз ёки керакли воқеаларни ўзингиз тайёрлайсиз. Сиз оқим билан боришингиз ва ўзингизга: «Бир кун ...», «Вақт бўлиши биланоқ» ва шунга ўхшашларни айтишингиз мумкин. Биз буни бугун эрталаб «Самарадорлик ва мувозанат» иккинчи квадранти билан боғлиқ ҳолда муҳокама қилдик, яъни биз сиз учун муҳим бўлган, аммо шошилишчи бўлмаган нарсалар ҳақида гаплашдик. Муҳим воқеалар содир бўлиши учун сиз уларни режалаштиришингиз, уларни ҳаёт чизиғининг келажакингизга мос келадиган қисмига ақлий равишда қўллашингиз керак. Масалан: “1-январьдан бошлаб мен ойига иккита китоб ўқийман” ёки “Бакалавриат (ёки ма-

гистрлик диссертациясини) белгиланган муддатда тугатаман”. Агар сиз саёҳат қилишни истасангиз, у ҳам ҳаёт чизифига жойлаштирилиши керак. Агар сиз биров орқага чекинишингиз керак бўлса ҳам, бу сизнинг ҳаётингиз ҳақида «бир кун» нуқтайи назаридан ўйлашдан кўра яхшироқдир. «Қандайдир» десак, биз ҳеч қачон хоҳлаган нарсамизга яқинлаша олмаймиз ва уни амалга ошириш учун ҳеч нарса қилмаймиз. Буни ёдда тутган яхши.

Энди мен сизга битта топшириқ бераман. Сиз ўрнингдан туриб, ҳозир бўлганлар орасидан ўзингиз яхши танимайдиган суҳбатдошни танлашингиз керак бўлади. Аммо бу аввалги машқни бажарган одам бўлиши шарт эмас. Менимча, сиз энг яхши билганларингизнинг ёнида ўтирдингиз. Хонани айланиб чиқинг ва нотаниш шерикни топинг, кейин мен кўшимча кўрсатмалар бераман. Шундай қилиб, биз бир неча дақиқа суҳбатдошни кидирмоқдамиз. Кейинчалик муҳокама қилиш учун мавзуни таклиф қиламан.

Майли, илтимосимни бажардингиз. Энди мен сиздан ўзингизни шеригингиз билан таништиришингизни сўрайман, лекин худди ўн йил олдин бўлгани каби. Бу “Хўш, ўн йил олдин мен у-бу нарса қилганман”, дейиш керак дегани эмас. Ўзингизни ўша пайтдагидек ҳис қилишга ҳаракат қилинг. Айтайлик, мен ўша пайтда Энни билан учрашдим. Мен унинг кўлини силкитиб: “Салом, Энни. Менинг исмим Стив Жонс ва мен Огайо штатининг Синсиннати шаҳрида яшайман. Менинг тўрт фарзандим бор: 12 ва 10 ёшли икки нафар ўғилларим ва 11 ва 9 ёшли

иккита қизалоқларим. Катта оиламиз, лекин бахтли-миз. Шундай қилиб, мен Халқаро Франклин Инсти-тутида ишлайман ва Огайо, Кентукки ва Индианада семинарларда дарс бераман. Мен катта майсазор ва боғи бор чиройли эски уйда яшайман. Синсиннатида жуда кўп кўкатлар бор.» Яна бир нарсани кўшмоқ-чиман. Мен Эннига ўзим ҳақида гапириб бердим, ле-кин ўн йил олдин ўша пайтдаги позициядан ўзимни бутунлай бошқача ҳис қилганман. Шундай қилиб, мен сизга ўн йил олдин қилганингиз каби ўзингизни таништириш имкониятини бераман ...

Келинг, бир дақиқага тўхтаймиз... Иккала ше-рик ҳам ўзлари ҳақида гапирганми? Кимдир мактаб даврини хотрлайдими? Иккаласини ҳам эслайсизми? Ҳа, мактаб, худди синфдошим билан учрашгандек ... Шундай қилиб, сиз ўн йил олдин орқага қайтдингиз. Ўшанда сизлардан бирортангиз энди қандай яшаёт-ган бўлсангиз, шундай яшайман деб ўйлаганмисиз? Ўйлагандингизми? Яхши. Эртақ ҳақиқатга айланди - ажойиб! Ҳамма нарса эртақдаги каби бўлиши учун нима учун бундай келажак пайдо бўлганлиги ҳақида ўйлаш керак. Бу шунчаки кутганингиз учунми? Қа-ранг, диққатингизни унга қаратганингизда нимадир содир бўлади. Ҳодисаларни белгилайдиган объектив конунлар бор ва сиз фақат шу йўналишда ҳаракат қиласиз, оқим билан боринг. Ва шундай ҳаракатлар борки, улар жуда қасддан амалга оширилади.

Мен сиздан жавоб сўрамаяпман, лекин билиш-ни қизиқтирган бўлардим: бугун ўн йил орқага назар ташласангиз, афсусланасизми? Балки бирор нарсага умид қилгандирсиз, лекин бу амалга ошмади? Нима-

дир сиз ўйлагандек бўлмадими?

Майли, давом этайлик. Мен бироз кўпроқ тасаввур талаб қиладиган бошқа машқ қилишни таклиф қиламан. Бу энди тарих эмас, сизнинг ўтмишингиз эмас. Ўзингизни шеригингизга яна бир бор таништиринг, лекин бугундан ўн йил ўтгандек. Мен Энни Освалдга: “Салом Энни. Менинг исмим Стив Жонс. Мен FranklinCovey ташкилотида ишлаганман, лекин ҳозир нафақаданман. Сўнгги йилларда компаниянинг бизнеси авж олди. Мен жуда бадавлат одамга айландим, лекин ҳозир нафақага чиқдим ва катта ўғлим билан жисмоний шахслар ва ташкилотлар учун кичик консалтинг фирмасини очдик. 15 нафарга яқин невараларим бор, улардан жуда хурсандман, айниқса, улар уйга келганларида яйраймиз”. Хўш, ва ҳоказо. Мен худди шу руҳда давом этишим мумкин эди. Мана, ўн йилдан кейин, бир оз импровизация ...

Машқдан таассуротларингиз қандай? Нега буни кулгили деб ҳисобладингиз, Энни? Биз худди келажакни очгандек бўлдик. Қизиқарли, тўғрими? Яна нима? Жейннинг айтишича, бу унинг учун қизиқарли эмас, балки қийин бўлган. Кўп қийин вазиятларга дуч келганингизда, ҳаёт ноаниқ кўринади. Тарихингизни эслаб қолиш осонроқ. Бироқ, келажак ҳақида ўйлаш қизиқ: бу менинг ўн йиллик ҳақиқатим, бу ҳақда бугун қандай гапиришим мумкин?.. Яна кузатишлар борми? Мерлин?

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ МЕРЛИН ГАПИРАДИ

Ўтмиш ҳақида айтганларингиз ҳақида ўйлаб кўрдим, менимча бу масалада ёш чегараси муҳим роль ўйнайди. Бу ерда ёшлар кўп, уларда фурсат ва имкониятлар ҳали бир талай. Қолганларнинг ёшлари катта ва уларнинг келажаги равшан. Улар ортиқча режалар тузмайди.

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ ЭННИ СЎЗЛАЙДИ

У “Ўлим тоғлар ортида эмас, ўлим узоқда эмас” демоқчи бўляпти.

СТИВ ДЖОНС АЙТАДИ

Ажал биз билан ёнма-ёнлиги рост. Аммо Мерилин изоҳига қайтсак, шундай амаллар борки, унга ёшнинг чегараси йўқ. Айтайлик, аксарият ёши улуғларни турли касалликлар безовта қилади, лекин ёшларда ҳам бундай муаммо кузатилади.

Яна мулоҳазалар борми? Келажак ҳақида гапирганда, кадриятларингизга уйғун ниманидир келтириб ўтдингизми? Реалликка айланиб, бугун ва келажакни нима боғлаши мумкинлигини тасаввур қилганмисиз?

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИДАН БИРИ МАРК СЎЗЛАЙДИ

Мен ўн йилдан сўнг Playstation ўйин базаси учун видеоўйинларни қандай ишлаб чиқишим ҳақида гапириб бердим. Бу жиддий иш, бакалавр ҳатто магистр даражасидан паст эмас. Шунинг учун бу ўн-йилликнинг тўрт ёки олти йили ўқишга кетади. Кўп меҳнат ва анча-мунча маблағ талаб этилади.

СТИВ ДЖОНС ГАПИРАДИ

Биласизми, ўн йилдан кейин Playstationлар йўқ бўлиши мумкин. Лекин сиз етук мутахассис бўлиб, Microsoft учун ўйин дастурлари ишлаб чиқиш билан машғул бўласиз. Бу компания аниқ мавжуд бўлади.

Баракалла! Демак, бирор нимага эришиш учун зўр бериб меҳнат қилиш керак экан. Марк бир нарса-ни бизга гапириб берди. Келажакдаги ишни бажара олиш учун у бакалавр ёки магистратура даражасида таълим олиши, шунингдек янги технологиялар илмини эгаллаши лозим. Сизга қадрли бўлган ва меҳнат талаб қиладиган иш ўз ўзидан осмондан тушмайди. Аниқ режаларни амалга оширасиз. Уларни ривожлантиришнинг энг яхши усули – мақсадларни лойиҳалашдир.

МАҚСАДНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

Бунга эришиш йўли қуйидагича: мақсад – биз интилган, куч талаб қиладиган, ўз ўрнида манзилга етиш пунктидир. Ёдда тутиш керак: ҳаёт йўлларида ўз олдимизга мақсад кўярканмиз, уларни келажакка боғлаймиз. Илмий даражага шунчаки эришиб бўлмаслигини кафолатлайман. Ўн йил қўл қовуштириб, ўз-ўзидан орзулар амалга ошишини кутмаслик керак. Нуқтаи назаримни ҳар бирингизга етказа олдим деган умиддаман. Сиз истаган воқеа учун вақт ўқи бўйича ўз нуқтангизни топишингиз ва ўзингизга “Режалар амалга ошиши учун ҳозир ва белгиланган муддат орасида нима қилишим керак” савол билан юзланишингиз лозим.

Дженинга қайтамыз. Ёдингиздами, бу менежернинг кадриятлари ва уларга боғлиқ мақсадлари ҳақида суҳбатлашгандик. “Жамоада ишлаш” унинг биринчи кадрияти эди. Шунда Дженин ўз олдига – “мулоқот тизимини ривожлантириш” мақсадини қўяди ва унга эришиш муддатини танлади. Муҳлат белгилаш мақсадни янада аниқроқ қилади. Турли кадриятларга бошқа-бошқа мақсадлар қўйиш мумкин, бу ҳам Дженинда улардан фақат биттасидир.

Органайзернинг яна бир саҳифасидан фойдаланамиз. “Мақсадлар жадвали” сарлавҳали бетни топинг. Агар сиз Microsoft Outlook дастурини ишлатсангиз, “Планировщик” опциясини қўллашингиз мумкин.

Балки мақсадларга эришиш учун оралик босқичларни ажратиб олиш талаб этилади. Улар томон ҳаракатланган сари, ниманидир ойдинлаштириб бораверасиз. Лекин ўтириб қандай қадам қўйишни ўйлаб олиш зарар қилмайди. Ўнг томондан ҳар оралик мақсадга унга эришиш муддатини кўрсатиб чиқинг.

Кўряпсизми, Дженнин ёзган иккинчи мақсад унинг иккинчи қадрияти “Ижодкорлик”ка тўла мос келган.

Айни дамда, мақсадлар жадвалини тўлдираётган чоғингиз, бир нечта лаҳзаларни инобатга олганингиз дуруст. Ҳаммасини мияда сақламай ёзиб олган фойдалидир. Ҳар бир мақсадга аниқ муҳлат қўйинг. Жараёни кўп вақт талаб қилмайдиган ва амалда бажариладиган вазифаларга ажратишдан бошланг. Мақсадга эришиш учун қадамлар қатори бир текис тузилиши керак. Бу мажбуриятларингиз шаклида бўлади. Уларни бўйнига олиш дастурнинг энг қийин қисмидир. Шундай тарзда, мақсадларни режалаштиришга мўлжалланган саҳифани топинг. Бу жадвал жойлашган бетнинг тескари томонида. Қадриятлар ҳақида ўйланг, бирор нарсани танланг. Ушбу қадриятингизга мос мақсадни шакллантиринг; унга эришиш санасини ёзинг ва уч-тўртта оралик босқичларни жойланг. Бу сизнинг жорий ёки янги мақсадингиз

бўлиши мумкин, ихтиёрингиз.

Энди танаффус қиламиз. Бир ҳужжатни тўлдиришингизни сиз азизлардан сўрамоқчиман. Бу яна бир ёзма мажбурият бўлади. Биз бугунги кун учун бурчларни ёзишни бошлагандик. “Кунлик воқеалар рўйхати”да бугун учун алоҳида бет мавжуд. №1 рақами остида сиз “Қадриятларни ойдинлаштириб олиш”ни ёздингиз. Энди №2 пунктга “Келаси ҳафта учун иккита мақсад қўйиш”. Бу сиз уларни амалга оширасиз дегани эмас. Шунчаки уларни қайд қилинг. Натижада қадриятларингиз илк мажбурият, мақсадлар эса иккинчисига айланади. Энди сизда кейинги ҳафта учун икта топшириқ бор: оралиқ босқич ва якуний муддат тайин.

